3) 400 бетдан зиёд араб тилидаги асарлар матнлари ўзбек тилига таржима қилинди ;

200 дан ортиқ илмий ва оммабоп мақолалар ва газеталар шунингдек , журналлар чоп қилинди.Марказда йилига тўрт марта “Имом ал Бухорий сабоқлари” илмий – маърифий журнали ҳам нашр этилади.

Малака ошириш ўқувлари бўлими : Юртимиздаги масжидларда фаолият кўрсатаётган имом хатибларнинг билим тажрибаси , касб малакасини ошириш ва дунёвий фанларни ўқитиш бўйича ўқув – услубий ишларни амалга оширади..Шу пайтгача Республикамизнинг барча вилоятларидан келган мингдан ошиқ имомларнинг ўзларининг дунёвий илмлар бўйича малакаларини оширишди.Ўқиш муддати 2 ой.Ҳар даврада 60 имом таълим олишади.

Марказда илмий тадқиқотлар ва малака оширишнинг самарадорлигини оширишга қаратилган қуйидаги бўлимлар ҳам фаолият юритади ;

1) Ахборот ресурс маркази : Юқорида кўрсатилган бўлимлар фаолиятининг мукамал бажаришини таъминлаш мақсадида замонавий ахборот коммуникатсия технологиясидан кенг фойдаланиш имкониятларини яратади ҳамда ва услубий тавсияларини тайёрлайди.

2) Манбалар хазинаси : Нодир қўлёзма ва тошбосма асарларни асл холида сақлаб , аҳоли қўлида мавжуд бўлган ноёб тарихий асарларни йиғиб олиб , таъмирга мухтожларни таъмирлайди ва бу асарлар устида илмий тадқиқот ишларини олиб боришини ҳамда кейинг авлодларга асл холида этказилишини таъминлайди.

Малака ошириш ўқувлари бўлимида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйилган тасдиқланган дастур ва ўқув режа асосида Марказ тингловчилари малака ошириш ўқувларини замонавий технологиялар асосида ўтишни таъмин этишлари учун барча шаройитлар яратилган.

Тадқиқот ишлари бўйича Хадисшунослик ва манбашунослик бўлимларида илмий тадқиқот олиб бориш учун керакли жихозлар билан таъминланган шинам хоналар мавжуд. Марказнинг илмий ходимлари манбалар хазинасидаги мавжуд қўлёзма ва тошбосма асарлардан фойдаланиб , илмий-тадқиқотларни олиб боради. Тадқиқот ишларини кенг камровли бўлишини таъминлаш учун компьютер , элестрон кутубхона ишлаб турибди.

Халқаро алоқалар бўлимида халқаро миқёсда илмий конференциялар , симпозиумлар ва семинарлар ташкил этиш ва бошқа марказлар билан ҳамкорлик ишларини олиб бориш учун барча шарт-шароитлар яратилган.²³

Марказнинг халқаро алоқалар бўлими дунёнинг кўплаб этакчи давлатларидаги йирик илмий тадқиқот марказлари ва Университетлари билан кўп қиррали алоқаларни йўлга қўймоқда.

2016 йил 8-апрел куни Имом Бухорий халқаро илмий марказида буюк саркарда ва давлат арбоби , Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди.

Шунингдек Исломушунослик илмий тадқиқот марказида бугунги кунда фундаментал , илмий ва инноватсион тадқиқот лойиҳалари доирасида илмий изланишлар олиб борилмоқда .

Фундаментал тадқиқотлар :

1) “Мовороуннаҳрда Қуръон ва тафсир илмлари тараққиёти , машҳур муфассирлар илмий меросининг ўлка маънавий ҳаётида тутган ўрни . ”

Амалий тадқиқотлар :

1) Исломушунослик муаммоларини бирламчи манбалар ва аждодларимиз диний-маърифий меросини тизимли таҳлил қилиш асосида ёш авлодда соғлом этиқодни шакллантириш

²³ Имом Бухорий халқаро илмий марказининг веб сайти www.Бухари.уз

2) “Диний мутаасибликнинг вайронкор моҳияти , маънавий кадриятларимизга таҳдиди ва ёшларда уларга қарши ғоявий иммунитетни мустаҳкамлашнинг амалий-тадбиқий услублари ”

3) “Глобаллашув шароитида диний соҳа ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва геосиёсий аҳамияти ,ёшларда диний бағрикенглик маданиятини юксалтиришнинг йўллари ва воситалари ”

4) “Ёшларнинг жамиятга ижтимоий мослашувини этносотсиологик тадқиқот асосида ўрганиш ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш ”

5) “Глобаллашув шароитида замонавий тасаввуфий тариқатлар: таълимотлар , услублар , таҳлил ва хулосалар ”

6) “Марказий Осиёда хаттотлик санъатининг ривожланиш тарихи , хаттотлик мактаблари ”

7) “Дин психологиясини ўрганишнинг назарий методологик масалалари ”²⁴

1.3 Насафда ҳадис илмининг ривож топиши

Қашқадарё воҳаси тарихи кўп йиллардан буён олимларни қизиқтириб келади.Чунки энг қадимги динлардан бири –Марказий Осиё халқлари хаётида чуқур из қолдирган Зардуштийлик таълимотининг ёйилиши ,Спитамен ва Муқанна сингари озодлик курашчилари фаолияти шу заминда кечган.Мазкур ҳудудда кўп йиллар давомида Яхё Гуломов,В.Массон,С.Кабанов,Е.Ртвеладзе,Р.Сулаймонов,А.Садуллаев каби олимлар археологик изланишларни олиб бордилар.

Иккинчи жаҳон урушидан то бугунги кунгача 120 дан ортиқ қадимги давр ва ўрта аср шаҳарлари қишлоқлари ва қалъалари ўрганилди.Истиқлол йилларида изланишлар миқёси анча кенгайди.Ерқўрғон ,Қалъаи захмоки морон,Шуллуктепа,Кўҳнаи Фазли

²⁴Tiu.@Tiu.uz

харобалари ўтмишнинг жуда кўп сирларини очди. Археологик топилмалар натижасида Қашқадарё воҳасининг бир неча минг йиллик тарихи қайта жонланди. Насаф ва Кеш жанубий сарҳадларга яқин шаҳарлар сифатида Македониялик Искандар ва араб босқинчиларининг илк зарбасига дучор бўлган. Мўғуллар босқини даврида эса стратегик ҳудуд сифатида қароргоҳга айлантирилди. Тарих саҳифалари ватан озодлиги учун курашчиларининг жасоратлари ҳақидаги ҳикояларга тўла. Табиийки, босқинлар воҳа иқтисодий ва маданий ҳаётига катта салбий таъсир кўрсатган. Олдинги асрларда бунёд этилган иншоотлар, санъат асарлари, китоблар йўқ қилинган. Аммо халқнинг бунёдкорлик қудрати яна янги мўжизалар яратаверган.

Ўзбекистон тарихи музейи хазинасида бир томонига Нахшаб хукмдорининг тасвири иккинчи томонига эса шерга найза санчиб турган пахлавоннинг бўртма тасвири туширилган 14 та мис танга сақланади. Жаҳондаги машҳур музейларда ҳам Нахшабда зарб қилинган тангалар мавжуд.

Самарқандда қоғозсозлик саноатининг вужудга келиши (ВИИИ аср) Қашқадарё воҳасида илм ва маъданият ривожига катта туртки берганлиги ўз-ўзидан равшан. Кейинги асрларда бу ердан кўплаб шоир ва олимлар этишиб чиққанлиги фикримиз далили бўла олади²⁵. Афсуски, уларнинг кўпчилиги ижоди бизгача етиб келмаган. Айрим тазкиралардагина уларнинг номлари ва асарларидан баъзи парчалар бизгача етиб келган. VIII-асрнинг охири ва IX-асрнинг бошларида Насафда йирик ҳадисшунослик ва фикршунослик мактаблари вужудга келади. Бу мактабларда ислом оламининг турли мамлакатларидан келган талабалар билим олган. X-асрда Ахмад ибн Муҳаммад ат-Тадений, Хаммад ибн Шокир ан-Насафий, Абдулмўмин ибн халаф ан-Насафий, ал-Лайс ибн Наср ал-Кожарий, XI-асрда Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий, Муҳаммад ибн Ахмад ал-Бадалиий, Ал-Хасан ибн Али ал-Хаммадий ан-Нахшабий каби олимлар бутун

²⁵ Носир Муҳаммад – Насаф ва Кеш алломалари Тошкент 2006 6-бет

ислом оламида шуҳрат топган эдилар.Насаф ва Кеш алломалари IX-X асрларда анъанага кўра араб тилида ижод қилган бўлсалар ,XI аср охири XII-аср бошларида ўз асарларини форс тилида ёза бошлайдилар.XIV-асрдан эътиборан ва айниқса,Амир Темур салтанатидан бошлаб туркий тилда ёзиш имконияти пайдо бўлди.Темурий Шахзодалар ижод аҳлини ўз она тилларида ёзишга даъват этдилар,ўзлари ҳам туркий тилда асарлар битган,

Овропалик ўрта аср сайёҳи Таверненинг ёзишича ,барча шарқ мамлакатларида араб тили- Қуръон ва илм тили ,форсий тили –шеърият ва нафосат тили, туркий тил-сиёсат ва харб тили сифатида машҳур бўлган.Амир Темур ва Темурий шахзодалар салтанати даврида Қашқадарё воҳасида илм –фан ,маданият ва санъат гуркираб ривожланган.Қашқадарё воҳасидан чиққан кўпгина уламолар турли йилларда пойтахт бўлган Бухоро ва Самарқандда ,айримлари эса тақдир тақозоси билан Ҳиндистон,Ерон,араб давлатлари ва Рум(Туркия)да яшаб ижод этганлар.Масалан; Мўғуллар истилоси даврида зиёлиларнинг каттагина қисми Ҳиндистондан бошпана топишган.Бухорода Субхонқулихон хукмронлиги даврида (1680-1702) ҳам Насафлик ва Кешлик бир қанча шоирлар Ҳиндистонга кўчиб келган.Малехо Самарқандийнинг ёзишича,улар орасида Дастур Насафий,Насим Маҳрабий Насафий Қадрӣ Насафий,Ломе Насафий каби шоирлар бўлган.Бобурийларнинг шеърият ва умуман маданиятга эътибори ижод аҳлига ҳомийлиги бунга сабаб бўлганлиги аниқ.Амир Хусрав Дехлавий,Мирзо Абдулқодир Бедил сингари атоқли шоирларнинг ота-боболари ҳам Қашқадарё воҳасидан бўлишган.²⁶Насафий ва Кешийлар меросига қизиқиш ортди. Бунда Убайдулла Уватов,Поён Равшановларнинг илмий изланишлари самарали бўлаяпти.

Қуйида ҳадисшунослик илмига ривож қўшган Насафлик илм уламолари,муҳаддислар ва ислом олимлари ҳақида келтириб ўтамыз.

²⁶ Носир Муҳаммад-Насаф ва Кеш алломалари Тошкент 2006 8-бет

Муаз ибн Ёқуб ан-Насафий –Абу Абдурахмон Муаз ибн Ёқуб ал-Косоний ан –Насафий .Милодий IX-асрда яшаган ислом олимларидан бири.²⁷ Ан-Насафий 843-йилда ўз маблағи ҳисобидан Насафда жоме масжиди , сўфийлар учун работ ва сув манбаи қурдирган.Айни пайтда кўплаб шогирдлар етиштирган,ҳадисшунослик борасидаги изланишлари билан ҳам шухрат топган.²⁸ Сомоний унинг қабрини зиёрат қилган ва у қурдирган масжидда бўлган.

Абдулхамид Ал-Кеший –Шахрисабзлик йирик тилшунос ,ҳадисшунос ва фикҳшунос олим.Тўлиқ исми Абу Муҳаммад Абдулхамид ибн Хумайд ибн Наср ал-Кеший ал-Қураший .У “Ат тафсир” ва “Ал муснад” асарлари ,араб тили грамматикасига оид уч китоб –“Китоб ала хуруф ал -Мужам”(Харфлар тўғрисида китоб) ,”Ат тасарриф” (Турланиш) “Китоб фалту ва афалту” (фелнинг фала ва 4-турлари ҳақида китоб) муаллифидир.У кеш ва Насафда ҳадисшунослик ва фикҳшунослик мактабларига асос солган. Жахоннинг турли мамлакатларидан келган талабалар ундан илм олганлар.²⁹”Кеш ахли Мовороуннахрнинг бўлак шаҳарлари олдида ул киши билан ифтихор қилур эди ва улар бунга ҳақлидир³⁰”Ал Кешийнинг ўғли Муҳаммаднинг айтишича Қутайба ибн Саид :”Агар Термизга борсангизлар Ахмад ибн Ал Хасаннинг этагидан маҳкам тутингизлар Агар Кешга борсангизлар ,Абу Ибн Хумайднинг этагидан маҳкам тутингизлар ,Агар Бухорога борсангизлар Абдуллаоҳ ибн Абдурахмоннинг этагидан маҳкам тутингизлар ” деб айтган эканлар.Ал Кешийнинг машҳур уламо бўлиб шаклланишида Оталарининг ўрни ниҳоятда катта бўлганлар.³¹

²⁷ Носир Муҳаммад – Насаф ва Кеш алломалари Тошкент 2006 21-бет

²⁸ Абулкарим Ас Самоний-“Китоб ал -ансоб”

²⁹ Носир Муҳаммад –Насаф ва Кеш алломалари Тошкент 2006 .21 бет

³⁰ Нажмиддин Насафий-“Самарқандия” 34-бет

³¹ Носир Муҳаммад –Ўша асар 22-бет

Абу Туроб Нахшабий – Абу Туроб Асқар бинни ал-Хусайн ал-Нахшабий ал Насафий пиримуршид даражасига эришган машхур тасаввуф шайхларидан бири. У тахминан 806-йилда Нахшаб шахрида туғилган. Бухоро ва Сарахс шаҳарларида таълим олган. Сўнгра кўплаб мамлакатларга сафар қилиб , машхур тасаввуф шоирлари билан хамсухбат бўлган. Нақл қилишича 40 маротаба хаж сафарларига борган эканлар Фариддин Аттор ўзининг “Тазкират ул авлиё” асарида у ҳақда шундай ёзади. “Шайх Нахшабий коддасалоҳу рухаҳул азиз , вилоят бодиясининг сайёҳи, замон денгизининг кемачиси ” эди. Хуросон тупроғидаги шайхларнинг улуғларидандир. Ҳеч қачон муридларига бир ёмон иш қилганини кўрса , муридига бир ёмон сўз айтмас , ўзи товба қилиб , истифроғ айтар эди. Айтар эдики , ”Ул бечора бу балога мен туфайли йўлиқди.” Дархол ҳақ таоло ўша муридга салоҳ яъни яхшилик ато этар , мурид пушаймон бўлиб , тавба қилиб истифроғ айтар эди. Алишер Навоий ўзининг “Лисон ут тайр ” асарида Нахшабий номини эхтиром билан тилга олади ва бу ҳақда бир ривоятни келтиради. Ривоятга кўра , Нахшабийнинг муридларидан бири зебу зийнатга бўлган майлини йўқота олмайди. Кийган тўнидаги ямоқлари ҳам қизил , яшил , сариқ рангларда эди. Нахшабийпир сифатида унинг нафсини йўқотмоқ учун турли оғир ишларни буюради. Аммо натижага эриша олмайди. Охири шундай юмуш буюради: Мурид бир неча кун давомида қўйнинг қорин ва ичак – чавоқлари солинган идишни Қарши бозоридан олиб ўтиши керак. Мурид бу ишни қилади ва худпарастлигидан асарҳам қолмайди. Саватдан томган ифлос сувлар дастори ва тўнини расво қилади. ”Бу машаққат унинг нафси ва кибрини ўлдирди ” – дейди Навоий Шундан кейингина Муршид унинг покланишига рухсат беради.

Абул Хорис ал-Варасиний ан –Насафий –Тарихчи ва ҳадисшунос олим . Ал-Насафий Насаф вилоятининг Варасин қишлоғида туғилган . Ас-Сомоний у ҳақда шундай дейди: ”Бу киши муҳаддис , чиройли тасниф қилувчи олимлардан бўлиб , Насаф шаҳрининг ифтихори эдилар. Насаф аҳолиси у кишининг номини шараф билан тилга олар эдилар, бу киши

уйларидан кўп чиқмас эдилар³².Агар чиқсалар ҳам кўлларида сиёҳдон,қалам ва дафтар бўлар эди.” Олим талабалик йилларида Абу Исо Ат Термизий,Зайд ат-Тамимий сингари ўз даврининг машҳур уламоларидан таълим олганлар.Унинг “Ал-бўстон” “Ал - ажойиб” “Жангнома” “Насаф ва Кеш аҳлининг ифтиҳори” деган асарлари мавжуд.Олимнинг Насаф ва Кеш шаҳарларида бир талай шогирдлари бўлган.Ал- Насафий молодий 928-йилда вафот этган.

Абдулмуте Макхул Ал-Насафий – 153-бобдан иборат китобида панд –насихатлар , хадислар жам бўлган.Мазкур асарнинг 1835-йили Махмуд иб Хасан Ибн Қози Ораж томонидан форс тилига қилинган таржимаси Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин номидаги кутубхонанинг шарқ кўлёмалари бўлимида ПНС-18 рақами остида сақланмоқда .У хаттот Муҳаммад Шариф ибн мир Салоҳ Қоратоғий томонидан кўчирилган.Асарнинг 1868-йил кўчирилган ўзбекча таржимаси ҳам шу кутубхонада сақланмоқда.³³

Хусайн ибн Хизр Насафий- Молодий X- асрнинг охири XI-аср бошларида яшаб ўтган олим,фақиҳ .У дастлаб Насаф сўнгра Бухорода таълим олган .Бир муддат Бухорода яшаган. Бир муддат Боғдодда яшаган.Бир қатор китоблар ёзган.Деххудонинг “луғатномаси” да “Ал-фавоид вал-фатофий” номли асари борлиги қайд этилган.Хизр Насафий хижрий 424-йилда (милодий 1033) йилда вафот этган.

Абул Аббос Жафар ибн Муҳаммад ал-Мустафриғий Ан-Насафий-милодий 962-йили Насаф шаҳрида туғилган . У фикҳ ва ҳадисшуносликда ,Тарих ва Филологияда кенг қамровли билим соҳиби бўлган.Олим турли мавзулардаги 10-дан ортиқ китоб ,жумладан “Насаф ва Кеш тарихи” номли 2-жилдли муфассал асар соҳибидир.Афсуски бу китоб бизгача етиб келмаган.Ас-Сомонийнинг ёзишича бу асарда X-XII асрларда яшаган Насаф

³² Носир Муҳаммад- Насаф ва Кеш алломалари Тошкент 2006.24-бет.

³³ Н.Муҳаммад – Насаф ва Кеш алломалари Тошкент 2006.23-бет

ва Кешда яшаган машхур олим,ва дин арбоблари ҳақида қимматли маълумотлар бўлган . Муаллиф уларни 80-тоифага бўлиб тасвирлаган.³⁴ “Абул Аббос ал-Мустафриғий ан-Насафий кўп ҳадислар жамлаганлар.Ўз даврида Мовороуннахрда бу кишидай ҳадис жамловчи ва тасниф қилувчи ҳамда ҳадисларни ҳадисларни яхши тушунувчи муҳаддис йўқ эди...қабрлари насафнинг водий тарафида бўлиб уни зиёрат қилганман ”³⁵ Ан –Насафий Хуросон ва Мовороуннахрнинг турли шаҳарлари бўйлаб кўплаб сафарлар қилганлар.Марв,Нишопур,Сарахс,Нишопур,Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида яшаганлар.987-йилда яъни 26 ёшида Насафнинг кўолаб жоме масҷидларида вазлар ўқиган.Умрининг охирларида эса Насафнинг бош воизи вазифасида бўлган.Олимнинг қуйидаги асарлари манбаларда қайд этилган.”Китоб ал-вафо”(Вафо ҳақида китоб) “Китоб давоил ал Нубавво” (Пайғамбарлик далиллари китоби) ,”Дуолар китоби” “Пайғамбар табобати китоби” “Самарқанд тарихи ҳақида китоб ” “Шерият ва шоирлар ҳақида китоб” . Бу асарлар унинг улкан истедоди ва билим доирасидан далолат беради.Афсуски ,бу асарларнинг кўпчилиги бизгача етиб келмаган.Аммо “ Китоб тибб ан –Наббий ” асари Техронда нашр этилган.Абул Аббос Ан-Насафий 1041-йилда вафот этган.³⁶

Абдулазиз ан-Нахшабий – Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад Устуғдодизий ан-Нахшабий 1018 йилда Насафдан 4-фарсах узоқликдаги Устудғоза қишлоғида туғилган.Ҳадисларни тўплашдаги қобилияти туфайли “Хофиз ал – ҳадийс ” яъни “ ҳадисларни ёддан билувчи “унвонига унвонига сазовор бўлади.Ас-Сомонийнинг ёзишича у илм талабида Ироқ,Шом ва Мисрда бўлган саҳиҳ ҳадисларни ёзиб олган ва тўплаган.Насафда отаси ва Абул Аббос Жафар ан-Насафийдан,Самарқандда ал-Журжонийдан ,Бухорода ал-Варроқдан ,Миср,Искандария ва Туниснинг мўтабар

³⁴ Н.Муҳаммад-Насаф ва Кеш алломалари 27-бет.

³⁵ Ас-Сомоний-“Китоб ал-Ансаб”

³⁶ Н.Муҳаммад-Насаф ва Кеш алломалари 28-бет

зотларидан таълим олганлар.Султон Маҳмуд Ғазнавий бу кишини ўз саройига таклиф этган.Олим Ғазнага бориб султоннинг фарзандларига адавиёт илмидан сабоқ берган.Сўнгра катта хурмат-еътибор билан Насафга қайтиб келган.Унинг отаси Осим ал-Устудғозий ҳам муҳаддис ва фақиҳ бўлган.Олим 1066-йилда Насаф шаҳрида вафот этган.³⁷

Абулҳасан ал-Баздавий-Хадисшунос ва Ханафий мазҳабининг таниқли фикҳшуноси,Мотуридия мактабининг йирик вакили Муҳаммад ал-Баздавий ан-Насафий 1009 –йилда Насаф шаҳри яқинидаги Базда кўрғонида туғилган.У фикҳ бўйича 6-та асар ёзган.Самарқанд мадрасаларида мударрислик қилиб ,кўплаб шогирдлар етиштирган.Олимнинг “Усули Баздавий ” номли асари машҳур бўлган.Мусулмон қонунчилиги ҳақидаги ушбу асар Шарқда кўп тарқалган ва шарҳлар битилган.Шу сабабли “Мовороуннаҳр фақиҳи” ва “Имомлар устози”унвонларига сазовор бўлган.У 1089-йилда Кеш шаҳрида вафот этган.

Абу Бакр Муҳаммад ал-Бадалиий – Машҳур муҳаддис олим Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Баладий Насаф шаҳрида таваллуд топган.У ҳақда Насафий шундай ёзган. Бу киши ҳақида Бухоро,Самарқанд , Насаф ва Маймурғда менга 20-дан ортиқ киши маълумот берди дейди.

МуҳийиддинЯҳё ибн Шараф ан-Насафий – Таниқли муҳаддис олимларидан бири .Унинг 1276-йил “Ҳадислар маҳмуаси”бизгача етиб келган.³⁸

Азизиддин Насафийнинг “Зубдат ул Хақойиқ”(Хақиқатлар қаймоғи)асаридан парча

“Ей,дарвиш хали сен кўп марта фалак ўйинларини кўрасан ,дунё гирдобида чарх урасан ,маънисиз сафарлар уюштирасан . Хали неча марта бу оламнинг эшигини четлаб ўтасан ,умринг ва мол-мулкингни бой берасан.Бунга эҳтиёж борми ? Тақвога ҳам , тухду покдомонликка ҳам ҳожат йўқ.Муаммоларга ҳам куч сарфлашнинг ҳам ма,носи қолмаган-

³⁷ Н.Муҳаммад-Ўша асар 29-бет.

³⁸ Н.Муҳаммад-Насаф ва Кеш алломалари Тошкент 2006 45-бет

излаганинг изланиш машаққатига арзимади.Йўқ нарсани излайдилар .Ей дарвиш , каноатга юз ўғир .Шунда қолган умринг саодатда – сафода ўтур.Билгилким , Оллоҳ бутун борлиқни яратиб ,унга олам деб ном берди.чунки олам унинг борлигининг аломатидир.Аломат эканлиги боис олам деб, нома эканлиги боис китоб деб атади.Кейин кимки бу китобни ўқиса ,мени билиб олади.Менинг қудратим,маърифатим ва иродамни англайди деб амр этди.Устоиди Азам ўша оламнинг мухтасар кўчирмасини яратиб қайта китобат этди.Биринчиси олами кабир (улуғ олам) , иккинчиси олами сағир деб номланди.Биринчи китобни улуғ китоб иккинчи китобни кичик китоб деб атади.³⁹Ей дарвиш, туз қопига тушган нарса тузга айланади, ифлосликка тушган ифлос бўлади. Зеро нопокдан нопок ва палид туғулади,сафодан сафо ҳосил бўлади.Ақл оллоҳ таоло сифатларининг мазҳаридир.У ақлни ўз сифатлари ва ҳулқи билан безади ва уни ўзининг кичик оламига туширди ва шу боис Тангри таоло инсонни ўз тимсолидан андоза олиб яратди,дейдилар .Бу тангрининг улуғ оламдаги ҳалифаси бўлган ўша ақли аввал эди ,Бизнинг ақлимиз эса –Тангрининг кичик оламдаги ҳалифасидир Сендан туғилган нарса соф бўлиши учун аввало ўзинг соф бўлишинг керак.Ей дарвеш ,рўза ва номозга берилиб,кетма-кет ҳажга борма , буюрган фарзни адо этиш билан чеклан.Кўп гап ва сўз ёдлашни ҳам ўзинга одат қилма.Фикҳни берилиб ўрганишнинг ҳам , кўп ҳикмат билишнинг ҳам фойдаси йўқ.кераклигини билиб олсанг бас.Аммо , шундай йўл тутгинки , қалбинг саҳоват ва ҳикматга тўлган бўлсин .Эзгулик соҳиби бўлгин,зеро дўзах аҳлининг азоби ёлғон ва қаллоблик нуқсонларидан кучаяди.Сенинг қалбинг ҳақгўйлик ва эзгулик билан безансин.токи инсон деган улуғ номга муносиб бўлсанг дўзах азобларидан қутуласан.илло буни эҳтиёж юзасидан қилаётган бўлсанг жойинг дўзахда бўлсин.Шундай бўлгинки ,сендан беихтиёр ҳамиша яхшилик ва саҳоват ёғилиб турсин, ҳамма вақт ёвузлик ва ҳақорат ёғдирадиган кишилардан

³⁹ Нажмиддин Комилов таржимаси.

бўлма , чунки уларнинг ҳақиқати ҳамиша ноҳақлик ва зулм,нохушлик ижод қилишдир.⁴⁰

Абу Барокот ан- Насафий- У замонасининг машхур имоми,фиқх илми билимдони,атоқли муҳаддис бўлган .У шамс-ул аймма унвонига сазовор бўлган машхур олим Муҳаммад ибн Абдусаттор ал-Кардарийнинг шогирдидир.У Насафда туғилган ва Бухорода таълим олган.Кермондаги Султония мадрасасида таълим олган . Талабаларга Мотурудий, Марғиноний асарларидан таълим берган.У Мотуридий таълимотини Киромия ва Мўтазия мазҳабларидан химоя қилишда жонбозлик кўрсатган.Олимнинг “Канз-ун-Дақоик ” асари айниқса машхур бўлган.Ушбу асар Ирди Кермоний томонидан форс тилига таржима қилинган.У ханафий фиқх илмида тўрт мўтабар асарлардан биридир.”Мадорик-ул -танзил” асари Насафий тафсири номи билан машхур.⁴¹Бу Қуръон тафсирининг босма ва қўлёзма нусхалари Хиндистон,Туркия ва Миср кутубхоналарида мавжуд.Хинд олимларидан Муҳаммад Абдулҳақ Ал Ҳиндий бу асарга хошия ёзган.Ва ушбу хошия хижрий 1336-йилда 4-китоб ҳолида босилди. Ушбу китоб ҳозирда ҳам Қоҳирадаги Ал Азхар Илмий дорилфунунида дарслик сифатида фойдаланиб келинмоқда.Ан Насафийнинг кўпгина асарлари Ўз Фа да сақланмоқда.Жумладан “Манзумот ал кавокиб ” асари 4834/2208 рақами остида сақланмоқда.Олимнинг хижрий 698-йилда ёзилган”Ал умда фил усул ал дин ” номли асари 1843-йилда Лондонда нашр этилган.Бу китобида у Нажмиддин Насафийнинг “Ақоид” асарида баён этилган қарашларни янада ривожлантирди.”Манзумот ал кавокиб” асарининг ўрта асрларда анча машхур бўлганлигини кўрсатувчи бир қанча мисоллар бор .Жумладан XVII-асрда яшаган олим,Халаб шаҳри муфтийси Яхё ал Кавокибий унга катта шарҳ ёзган.Бу шарҳ “Иршод ул толиб али манзумот ал – кавокиб ” (юлдузлар достонини ўрганувчиларга тўғри йўл) деб атади.Фикҳ , калом

⁴⁰ Н.Комилов таржимаси

⁴¹ Н.Муҳаммад-Насаф ва Кеш алломалари Тошкент 2006.53-бет.

,ҳадис ва тафсир соҳасида ўз даврининг мумтоз олимларидан бири бўлган Абул Барокот ан – Насафий ҳаётининг сўнги йилларида Боғдодда мударрислик қилган ва бу шаҳардан қайтишда Хузистон вилоятидаги Хизон шаҳри яқинида хижрий 710- йилда вафот этган ва ўша ерда дафн этилган.⁴²

Лутфулла ан Насафий ал-Кайдоний –XIII-асрнинг охири ва XIV асрнинг бошларида яшаган машҳур фикҳшунос ва ҳадисшунос олим.Олимнинг “Матолиб ул-мусалли ” асари машҳур бўлган.У “Фикҳ ал кайдоний ” деб ҳам аталган.Ўрта Осиёда оммавий қўлланмалардан бири сифатида мадрасаларда ўқитилган.Китобнинг қўлёзма нусхалари билан бирга Қозон шаҳрида босилган нусхалари ҳам мавжуд.”Матолиб ул-мусалли ” китобига битилган кўпгина шарҳлар мавжуд.Улардан бири 1540-йилда Муҳаммад Шамсиддин ал-Кўҳистоний ал-Самадоний томонидан ёзилган.Лутфулла ан – Насафий ал-Кайдоний 1349-йилда вафот этган.⁴³

Баҳоуддин Қишлоқий – XIII-асрнинг охирида –XIV- асрнинг бошларида яшаган машҳур олим , тасаввуф шайхи, у Баҳоуддин Нақшбандга ҳадис илмидан сабоқ берган . “Нақшбанд устозлари ва муридлари китобида ” шундай сатрларни ўқиймиз “Мавлоно Баҳоуддин Қишлоқий ўз даврининг муқтадоси (рахбари) ,зоҳирий ва ботиний илмлар билимдони ,шунингдек каромат соҳиби бўлганлар.Ул ҳазратнинг туғилган жойи муборак қишлоғидир ,қайсики Қарши вилоятининг даҳасидир.Бухоро шаҳридан у ергача 12 фарсанг йўлдир.У киши хўжа Баҳоуддин Нақшбандга суҳбат илми ва ҳадис илмининг устози бўлган эдилар.Бу сатрлар аслида Али Сафийнинг машҳур “Рашоҳоти айнил ҳаёт” китобидан олинган.Унда Баҳоуддин Қишлоқийнинг фазилатлари , бу табаррук зотнинг Баҳоуддин Нақшбанд билан мулоқотлари хусусида қизиқарли маълумотлар келтирилган.” Баҳоуддин Қишлоқийнинг қабрлари Муборак қишлоғида жойлашган.

⁴² Н.Муҳаммад-Насаф ва Кеш алломалари Тошкент 2006.53-бет

⁴³ Н.Муҳаммад- Насаф ва Кеш алломалари Тошкент 2006.59-бет

Ҳазрати Башир – Қашқадарё воҳасида яшаб ўтган машҳур шайхлардан бири, Мирзо Улуғбек ва Али Қушчининг замондоши. Ривоятларда она сутисиз катта бўлганлиги учун “Башир” лақабини олган. Профессор А. Чориевнинг изланишлари натижасида Ҳазрати Баширнинг маноқибни (хаёти ва ижоди ҳақида ривоятлар) топилди ва нашр этилди. У бевосита бирор шайхдан таълим олмаган. Аммо, ўз устида ишлаш, ўқиш – ўрганиш натижасида тасаввуф ва ҳадис илмининг бутун сир – асрорларини ўрганган. Кароматлари, ҳаёт тарзи билан халқ хурмат-эътиборига сазовор бўлган. Маноқибда баён этилишича Ҳазрати Башир Яссавия, Мавлавия, Нақшбандия тариқатларини чуқур эгаллаган. Шунингдек, Яссавияга хос бўлган фикри жаҳрия, Мавлавия тариқатига хос бўлган рақсу само, Нақшбандия тариқатининг “Қўллар дунё ишларида, тиллар ва диллар оллоҳ зикрида бўлсин” шиори Ҳазрати Башир томонидан амалда жорий этилган. У ўз шогирдлари ва муридлари ёрдамида одамларни ҳақ йўлига бошлаган, бева – бечораларга, камбағалларга ёрдам берган.⁴⁴

2.1. Имом-Ал-Бухорий ҳадис илмининг султони

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Имом ал-Бухорий таваллудининг ҳижрий-қамарий тақвими бўйича 1225 йиллигини нишонлаш тўғрисида

29 апрел, 1997 йил, 217, Тошкент шаҳри

Ҳадис илмининг равнағига улкан ҳисса қўшган йирик аллома, буюк ватандошимиз Имом ал-Бухорий илмий-диний меросини халқимиз маънавий-руҳий ҳаётидаги беқиёс ўрнини ва мамлакат кенг жамоатчилигининг таклифларини ҳисобга олиб ҳамда ушбу меросни авайлаб-асраш, кадрлаш ва жамиятнинг баркамол кишиларини тарбиялашда ундан оқилона фойдаланишга шарт-шароит яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

⁴⁴ Н. Мухаммад-Насаф ва Кеш алломалари Тошкент 2006 62-63 бетлар

1. 1998 йилда Имом ал-Бухорий таваллудининг ҳижрий-қамарий тақвим бўйича 1225 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонлансин. Ушбу санага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий кўмитаси 1-иловага мувофиқ таркибда тузилсин. Ташкилий кўмита ўн беш кун муддатда тегишли вазирликлар ва идоралар, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари ҳокимликларининг таклифлари асосида ўз тадбирларини ишлаб чиқсин ва уларни бажаришга киришсин.

2. Самарқанд вилоятидаги Имом ал-Бухорий мақбараси ва масжидини таъмирлаш ҳамда бу ерда қадимий миллий меъморчилик анъаналари билан уйғунлашган замонавий иншоотлардан иборат бетакрор мухташам ёдгорлик мажмуини барпо этиш учун лойиҳавий таклифларни тайёрловчи комиссия 2-иловага мувофиқ ташкил этилсин. Комиссия икки ой муддат ичида ЮНЕСКО экспертларини ва халқаро ташкилотларнинг, жумладан шаҳзода Чарлз Уелскийнинг Меъморчилик институти ва Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази (Буюк Британия) мутахассисларини жалб қилган ҳолда тегишли таклифларни тайёрласин ва тасдиқлашга киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Фанлар академияси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда мамлакат ҳудудида Имом ал-Бухорий номи ва даври билан боғлиқ қадамжолар, обидалар рўйхатини аниқлансин ва уларни таъмирлаш-консерватсиялаш бўйича белгиланган тартибда таклиф тайёрлансин.

4. Самарқанд вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлар вазирлиги Имом ал-Бухорий мақбараси мажмуидаги ишларини 1998 йилнинг август ойигача тугаллашни таъминласин. Ўзистикболстат Давлат кўмитаси Имом ал-Бухорий мақбараси мажмуидаги

янги иншоотлар курилишини 1998 йилги инвестиция дастурида белгиланган тартибда инобатга олсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ташқи ишлар вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси, Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан биргаликда ва ЮНЕСКОнинг халқаро тадбирлари доирасида 1998 йил сентябр ойида Самарқанд шаҳрида Имом ал-Бухорий ва унинг дунё маданиятида тутган ўрни мавзуида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси 1997-1998 йилларда Имом ал-Бухорий асарлари ҳамда унинг ҳаёти ва ижодига оид нашрларни ўзбек, араб, рус ва инглиз тилларида чоп этишни нашриётларнинг режасига киритсин.

7. Ўзбеккино давлат акционерлик компанияси 1998 йилда Имом ал-Бухорий меросининг моҳиятини ва бугунги кундаги аҳамиятини очиқ берувчи икки қисмли ҳужжатли илмий-оммабоп филмни яратсин ва уни хорижий тилларга дубляж қилинишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига бағишланган почта маркалари, открыткалар, хатжилдлар чиқарсин.

9. Ўзбекистон телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситалари Имом ал-Бухорий ҳаёти ва илмий фаолиятини, юбилейга тайёргарликнинг боришини кенг ёритсинлар.

10. Ушбу қарорда кўрсатилган тадбирларни ва ташкилий қўмита тасдиқлайдиган ишларни амалга ошириш харажатлари тенг улушларда

республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан қопланиши белгилаб қўйилсин. Бу ишга Ўзбекистон мусулмонлари идораси, ҳомийлар, шу жумладан хорижий ҳомийларнинг ўз улушларини қўшиш ҳақидаги таклиф-истаклари қўллаб-қувватлансин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири биринчи ўринбосари И. Жўрабеков зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамаси Раиси И.

Каримов

ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ

(810-870)

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Мағийра ибн Бардазбеҳ ал-Жуафий ал-Бухорий ҳижрий 194 йил шаввол ойининг 13-куни (810 йил 20 июл)да таваллуд топган. Сўнгги икки исми – ибн Бардазбеҳ ибн Базазбеҳдан кўриниб ту-рибдики, имом ал-Бухорийнинг асл насаби ажамларга бориб тақалади. Бу фикр талай адабиётларда қайд қилинган бўлиб, кўпчилик муҳаддисларнинг таъкидлашларича, «Бардазбеҳ» сўзи арабча «зориъ» (зироат, деҳқончилик билан шуғуланувчи киши) маъносини билдиради.⁴⁵ Ал-Бухорий ёшлигидаёқ отаси вафот этиб, онаси тарбиясида ўсган. У ёшлигидан ақл-идрокли, ўткир зеҳнли ва маърифатга ҳаваси кучли бўлиб, турли илм-фанларни, айниқса, ҳадис илмини зўр қизиқиш билан эгаллайди. У ўн ёшидан бошлаб ўз юртидаги турли ривоятчилардан эшитган ҳадисларни, шунингдек, Абдуллоҳ ибн ал-Муборак ва Вакий каби олимларнинг ҳадис тўпламларини мутолаа қилиб, ёдлаган, устози Шайх Доҳилий билан ҳадис ривоятчилари ҳақидаги қизғин

⁴⁵ Убайдулла Уватов-“Муҳаддислар Султони”мақола Тошкент 2014. 1-бет

баҳсларда қатнашган. 825 йили ўн олти яшар ал-Бухорий онаси ва акаси Аҳмад билан Ҳижозга қараб йўл тутди, ⁴⁶муқаддас шаҳарлар Макка ва Мадинани зиёрат қилиб, олти йил Ҳижозда яшаб, ҳадис илмидан ўз билимини янада ошириш мақсадида ўша пайтда илм-фаннинг йирик марказларидан ҳисобланган Дамашқ, Қоҳира, Басра, Куфа, Бағдод каби шаҳарларда яшаб, у жойлардаги машҳур олимлардан ҳадис билан бир қаторда фикҳ илмидан ҳам таълим олади, йирик олимлар даврасида илмий баҳслару мунозараларда қатнашади ва илм толибларига дарс ҳам беради. Имом ал-Бухорий ҳаётининг кўп қисми хорижий элларда, мусофирчиликда ўтди. Бу ҳақда унинг ўзи: “Миср, Шом, Месопатамияга икки мартадан, Басрага тўрт марта борганман. Ҳижозда олти йил яшаганман, Бағдод ва Куфа шаҳарларига неча марта борганим ҳисобини билмайман”, деган экан. У сафар чоғида ҳам, бир шаҳарда муқим турганда ҳам илмини ошириш борасида тинимсиз ишлар, тўплаган ҳадисларини оққа қўчиради эди. Бағдодда истиқомат қилган пайтда кўпинча ойнанинг нурида ижод қилиб, қоронғи кечаларда шам ёруғида китоб ёзар экан.⁴⁷

Имом Ал Бухорий 16 ёшга етгунча ўз юртларидаги машойихлардан ҳадис эшитиб улардан сабоқ олдилар. Мана шундан кейингина исломий илмлар манбаи ,Пайғамбар алайҳиссаломнинг ватанлари Қуръони Карим нозил бўлган ва ҳазрат Жаброил тушган муқаддас диёр ,жаноб Расуллулоҳ саҳобалари ватани, ислом динининг маркази Ҳижози шариф томон⁴⁸ равона бўладилар

Илм ошириш мақсадида ал-Бухорий жуда кўплаб олимлардан таълим олади. Нишопурлик ал-Ҳакимнинг ёзишича, устозларининг сони тўқсон талар атрофида бўлган. Ўз навбатида ал-Бухорий ҳам кўпгина шогирдларига устозлик қилган. Исҳоқ ибн Муҳаммад ар-Рамодий,

⁴⁶ Убайдулла Уватов – “Буюк Аждодлар” мақола Тошкент 2014.1-бет

⁴⁷ Убайдулла Уватов – “Буюк аждодлар” Тошкент 2014 2-бет

⁴⁸ Убайдулла Уватов – “Буюк Муҳаддислар” Тошкент 1998.13-бет.

Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Маснадий, Муҳаммад ибн Халиф ибн Қутайба, Иброҳим ал-Ҳарбий, Абу Исо ат-Термизий, Муҳаммад ибн Наср ал-Марвазий, Муслим ибн ал-Ҳажжож каби етук олимлар унинг шогирдларидир.⁴⁹

Улуғ муҳаддислар орасида Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий биринчи ўринда турадилар, десак хато қилмаган бўламиз. Чунки Имом Бухорий (Имом Абу Абдуллоҳ шу ном билан бутун оламга танилган)гача ўтган муҳаддислар пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларини саҳиҳ ё шубҳали бўлишига эътибор бермай китобларга киритаверганлар.⁵⁰Термизлик машҳур муҳаддис Абу Исо ат-Термизий ал-Бухорийга ҳам шогирд, ҳам сафдош ҳисобланиб, уларнинг ўзаро муносабатлари ибратли бўлган. Узоқ йиллар Шарқнинг турли-туман мамлакатларига сафар қилгандан кейин умрининг охирларида⁵¹ ал-Бухорий 863-868 йиллари Нишопурда яшаб, мадрасада ҳадис илмидан дарс берган. Ўша пайтда Нишопур мусулмон Шарқидаги энг йирик илмий марказлардан бирига айланганлиги сабабли кўп машҳур олимлар шу шаҳарда тўпланган эдилар. Ал-Бухорийнинг ат-Термизий билан учрашуви ҳам Нишопурда юз бериб, диёримиздан чиққан икки машҳур муҳаддис ўртасида унутилмас, қизгин илмий баҳслар, кўпдан-кўп ижодий, дўстона учрашувлар бўлиб ўтади. Ат-Термизийнинг ёзишича, у ўз асарлари учун кўп маълумотларни ал-Бухорий билан учрашувларидан олган. Шу билан бирга ал-Бухорий ҳам ат-Термизийнинг билимини юқори баҳолаб: “Мен сендан кўрган фойда сен мендан кўрган фойдадан ортиқроқ”, деб унга нисбатан чуқур ҳурматини билдирган. Ат-Термизий ўз устози ва сафдоши ал-Бухорийни бутун умри давомида ҳурматлаб, унга самимий садоқатда бўлган. Араб тарихчиси Шамсуддин аз-Заҳабийнинг “Тазкират ул-Хуфоз” номли асарида ёзишича,

⁴⁹ Убайдулла Уватов – “Буюк аждодлар”Тошкент 2014.3-бет

⁵⁰ Убайдулла Уватов – “Буюк аждодлар”Тошкент 2014.3-бет

⁵¹ Убайдулла Уватов –Ўша асар.3-бет

ат-Термизий ўз устозининг вафоти туфайли қаттиқ қайғуга ботиб “кўп йиғлаганидан ҳатто кўзлари кўр бўлиб қолиб, узоқ йиллар кўзи ожиз ҳолда яшади”.⁵²

Юртимизда этишиб чиққан яна бир буюк муҳаддис Абу Исо Ат Термизийнинг қаламига мансуб “Ал –Жоми-Ал-Кабийр (Сунани Термизий деб ҳам аталади)”асари пайғамбаримиз ҳадисларига бағишланади.⁵³Имом ал-Бухорий нафақат йирик олим, балки ўзининг гўзал хулқ-атвори, одамохунлиги, мурувватлилиги ва беқиёс саховатлилиги билан бошқалардан тамомила ажралиб турган. Манбаларда ал-Бухорийнинг 600 мингга яқин ҳадисни ёд билгани қайд қилинган.⁵⁴

Имом-Ал-Бухорийнинг устозлари хусусига келсак ,дастлабкиси оталари Исмоил,сўнг ўша пайтда Бухоронинг машҳур муҳаддисларидан бири ҳисобланган аллома Ал-Доҳилий бўлганлар.Ал-Доҳилий ҳадис илмини ўргатиш бўйича тўғарак ташкил қилган бўлиб,унинг шуҳрати кенг тарқалган эди. Кунлардан бир куни Ал-Доҳилий одатдагича талабаларга ҳадис илмидан дарс бериб турган бўлиб ,Ал Бухорий ҳам бошқалар қатори тинглаб ўтирган эдилар.Шунда Ал Доҳилий одатдагича талабаларга ҳадис исноди ҳақида гапираётиб “Сўфиён Абу Зубайрдан,у эса Иброҳимдан эшитган”деб зикр қиладилар. Шунда Ал Бухорий “Абу Зубайр ҳеч вақт Иброҳимдан ривоят қилмаганлар”-дедилар. Ва бу билан Ал Доҳилийни мазкур ҳадис исноди хусусидаги хатодан огоҳ қилмоқчи бўлдилар. Бу овозни эшитган Ал Доҳилий ҳайратланиб дағаллик билан ул кишининг сўзларини бўлдилар.Аммо Ал Бухорий ўта мулойимлик билан ;”Устоз, агар ишонмасангиз,асл манбага бир қаранг”-дедилар. Ал Доҳилий ичкарига кириб манбага қарагач Ал бухорийнинг гаплари тўғри эканлигини этироф этди.⁵⁵ Имом ал-Бухорий хориждан қайтгач, ўз ватани Бухорода кўплаб

⁵² Убайдулла Уватов-“ Буюк аждодлар”Тошкент 2014.4-бет

⁵³ Убайдулла Уватов –“ Буюк Муҳаддислар ”Тошкент 1998.4-бет

⁵⁴ Убайдулла Уватов-“ Буюк Аждодлар ”Тошкент 2014.5-бет

⁵⁵ Убайдулла Уватов-“Буюк Муҳаддислар”Тошкент 1998.9-бет

шогирдлар ва уламоларга ҳадис илмидан сабоқ бериш билан машғул бўлади. Кўпчилик уни ҳурмат қилган, аммо баъзи ҳасадгўй, қора ниятли кишилар ал-Бухорийни кўролмас эдилар. Натижада ҳасадгўйларнинг хатти-ҳаракати туфайли Бухоро амири Холид ибн Аҳмад аз-Зухалий билан ал-Бухорийнинг алоқаси бузилиб қолади. Бунга сабаб, амир олимдан ҳузурига келиб “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ”, “Ат-таърих” китобларини ўқиб беришни талаб қилади. Лекин ал-Бухорий “Мен илмни хор қилиб, уни ҳокимлар эшиги олдига олиб бормайман, кимга илм керак бўлса, ўзи изласин. Лекин Аллоҳ охират куни илмни яширмай уни толибларга сарф қилгани учун мени кечиради”, деган жавобни айтади.⁵⁶ Бухоро ҳокими ифвогарларнинг маслаҳатларига қулоқ солиб, имом Бухорийдан шаҳарни тарк этишни талаб қилади. Олим Самарқанд уламолари таклифи билан йўлга чиқади⁵⁷. Амирга жавоб ёқмай, фитначи, бўҳтонкор шахсларнинг гапига кириб ал-Бухорийга шаҳарни тарк этишни буюради. Шундан кейин ал-Бухорий Самарқандга қараб йўл олади ва бир мунча муддат Хартанг қишлоғида ўз шогирдлари ва қариндош-уруғлариникида яшагандан кейин оғир касалга чалиниб, ҳижрий 256 йил (мелодий 870 йил 1 сентябр) 60 ёшида вафот этади⁵⁸ ва шу ерда дафн қилинади.

Имом ал-Бухорий авлодларга бой ва қимматли илмий мерос қолдирган бўлиб, у ёзган асарларнинг сони йигирматадан ортиқдир. Улардан “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ”, “Ал-адаб ал-муфрад”, “Ат-таърих ас-сағий”, “Ат-таърих ал-авсот”, “Ат-таърих ал-кабир”, “Китоб ал-илал”, “Барр ул-волидайн”, “Асоми ус-саҳоба”, “Китоб ал-куна” ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Буюк алломанинг энг муҳим асари, шубҳасиз, “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ”дир. Бу асар “Саҳийҳ ал-Бухорий” номи билан ҳам машҳур.⁵⁹ Имом-

⁵⁶ Убайдулла Уватов-“Буюк Аждодлар”Тошкент 2014.6-бет

⁵⁷ Рустамбек Шамсиддинов,Шоди Каримов-“Ватан Тарихи”Тошкент 2010.263 бет

⁵⁸ Убайдулла Уватов-Ўша асар 6 -бет

⁵⁹Убайдулла Уватов-“Буюк аждодлар”Тошкент 2014.7-бет

Ал Бухорийнинг 4 жилддан иборат “Ал-жоми ас-саҳиҳ” номли ҳадислар тўплами мусулмонлар учун Қуръони Каримдан кейинги иккинчи манба ҳисобланади.⁶⁰ Унинг ғоят аҳамиятли томони шундаки, Имом ал-Бухорийгача ўтган муҳаддислар ўз тўпламларига эшитган барча ҳадисларини танлаб ўтирмай қаторасига киритаверганлар. Имом ал-Бухорий эса турли ровийлардан эшитган ҳадисларни табақаларга бўлиб, уларнинг ишончлиларини ажратиб, алоҳида китоб яратди.

Аллома ибн Салоҳнинг таъкидлашича, ал-Бухорийнинг бу асарига киритилган ишончли ҳадисларнинг сони такрорланадиганлари билан бирга 7275 та бўлиб, такрорланмайдиган ҳолда эса 4000 ҳадисдан иборат. Бу шарафли ишни биринчи ал-Бухорий бошлаб берган бўлиб, кейин қатор олимлар унга тақлид қилиб,⁶¹ шу зайдда ҳадислар тўпламини яратганлар. Имом ал-Бухорийнинг ушбу йирик асари ёзилганига тахминан 1200 йил бўлди, ўша даврдан бошлаб токи шу вақтгача у ислом таълимотида Қуръондан кейинги иккинчи ўринда турадиган муҳим манба сифатида юқори баҳоланиб келинмоқда. Имом ал-Бухорийнинг ушбу асарининг кўплаб нусхалари турли шаҳарларда тарқалган. Ҳатто ўрта асрларда яшаган баъзи адиб ва хаттотлар учун бу асар нусхаларини кўчириш тирикчилик манбаи ҳам бўлган. Жумладан, таниқли адиб ва тарихчи ан-Нувайрий (1332 йилда вафот этган) ал-Бухорийнинг ушбу асаридан саккиз нусха кўчириб, ҳар бирини минг дирҳамдан сотган. 1325 йилда кўчирилган саккиз жилддан иборат гўзал бир нусхаси ҳозир Истамбулда сақланмоқда. ⁶²“ Асарнинг ката қисми 1936 –йилда немис тилида Кембрижда ҳам нашр этилган.” “Ал-жоми ас-Саҳиҳ”нинг дастлабки икки жилди Аҳмад Наим томонидан турк тилига ағдалириб, 1928-йилда Истанбулда нашр этилган. Сўнг, Комил Мийрос деган олим унинг таржимасини охирига етказиб қолган икки жилдини ҳам нашр эттирган.” “Саҳиҳ-ал-Бухорий”нинг франсуз тилидаги таржимаси О.Ходдас

⁶⁰ Убайдулла Уватов-“Буюк аждодлар”Тошкент 1998 33-бет

⁶¹ Убайдулла Уватов-Ўша асар 7-бет

⁶² Убайдулла Уватов-“Буюк аждодлар”Тошкент 2014.8-бет

ва Марсуйс деган олимлар томонидан 1903-14 йилларда бажарилган бўлиб ,Парижда нашр этилган.(1934)⁶³ Ал-жомеъ ас-саҳиҳ”га кўпдан-кўп шарҳлар битилган бўлиб, муҳим манба сифатида у қайта-қайта нашр ҳам қилинган.⁶⁴ Имом ал-Бухорий тўпламларига киритилган ҳадислар фақат ислом таълимотига оид умумий қоидаларни акс эттириш билан чекланиб қолмайди. Улар меҳр-муҳаббат, саҳийлик, очиқ кўнгиллик, ота-она, аёллар ва катталарга ҳурмат, етим-есирларга мурувват, фақир-бечораларга ҳиммат, ватанга муҳаббат, меҳнатсеварлик, ҳалолликка даъват этиш каби ҳақиқий инсоний фазилатлар ва намунали тартиботлар мажмуасидир. Унда нима яхши, нима ёмон, нимани қилиш керак, нимадан ўзини тийиш лозимлиги ҳақида ҳозирги жамиятимиз аҳли, айниқса, ёш авлод учун катта тарбиявий аҳамиятга эга йўл-йўриқлар, панд-насиҳат ва ўғитлар акс эттирилган.

1974 йилда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диний бошқармаси ташаббуси билан республикамизда бутун ислом дунёси вакиллари иштирокида алломанинг 1200 йиллик юбилеи нишонланган эди.⁶⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Имом Ал – Бухорий таваллудининг ҳижрий қамарий тақвим бўйича 1225-йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори (1997-йил 29-апрел)асосида Бухорийнинг илмий меъросини ўрганиш ва тарғиб қилиш, хотирасини абадийлаштириш борасида ката ишлар қилинди.1998-йил 23-октябрда Смарқандда юбилей тантаналари бўлиб ўтди.Аллома абадий кўним топган Челак туманидаги хартанг қишлоғида улкан ёдгорлик мажмуи очилди.⁶⁶ Унинг шоҳ асарлари ҳисобланмиш “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” ва “Ал-адаб ал-муфрад” китоблари Тошкентда қайтадан нашр қилиниши ал-Бухорий меросини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлди. Тошкентдаги диний олий маъҳаднинг Имом ал-Бухорий номи билан аталиши бундан ўн икки аср муқаддам илм-фан йўлида беқиёс катта хизмат қилган буюк олимга чуқур ҳурмат-эътиборнинг

⁶³Убайдулла Уватов-“Буюк Муҳаддислар”Тошкент 1998 35-бет

⁶⁴Убайдулла Уватов-Ўша асар

⁶⁵Убайдулла Уватов-“Буюк Аждодлар”Тошкент 2014 9-бет

⁶⁶Рустам Шамсиддинов,Шоди Каримов-Ватан Тарихи Тошкент 2010.264-бет

рамзидир. Алломанинг Хартанг қишлоғида жойлашган салобатли мақбараси энг обод ва кўркам қадамжолардан бири сифатида ардоқланиб, ислом аҳли ва барча меҳмонлар учун табаррук зиёратгоҳ сифатида машҳурдир.⁶⁷

2.2 “Ал-Жоми-Ас Саҳиҳ-Имом-Ал-Бухорийнинг шоҳ асари”

Имом –Ал –Бухорийнинг 4-жилддан иборат “Ал-жоми ас саҳиҳ”номли ҳадислар тўплами мусулмонлар учун Қуръони Каримдан кейин иккинчи манба ҳисобланади.Бу асарнинг тўлиқ номи “Ал-жоми ас – саҳиҳ”номли ҳадислар тўплами мусулмонлар учун Қуръони Каримдан кейин иккинчи манба ҳисобланади.Бу асарнинг тўлиқ номи “Ал-жоми ас-саҳиҳ ал муснад мин ҳадийси Расулиллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам ва сунаниҳи ва айёмиҳи “ёки тарихчи Бадруддин ал-Айнийнинг ёзишича ,”ал-жоми ал муснад ал-саҳиҳ ал –мухтасар мин умури расулиллоҳ салолоҳу алайҳи ва саллам ва сунаниҳи ва айёмоҳи ” бўлсада қисқача “ал –жоми ас - саҳиҳ”ёхуд”саҳиҳиал-Бухорий”номли билан машҳурдир.Ушбу асарнинг таълиф этилиш сабаблари хусусида уламолар турли далилларни келтиришади.Масалан; Иброҳим ибн Мақил ан Насафийнинг ёзишича ,Имом ал –Бухорий бундай деган эканлар.”Бир куни биз Ишоқ ибн Роҳвайрнинг ҳузурларида бўлгандик шунда ул киши ;” бирортангиз расуллиллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам ҳадисларини мухтасар саҳиҳ тўплам қилсангиз эди –дедилар ” Бу гап менинг қалбимга чуқур ўрнашиб қолиб,ўша кундан “Ал-жоми ас –саҳиҳ”номли китобимни ёзишга киришдим”,Тарихчи Ан Нанавий келтирган далилга кўра эса Имом ал-Бухорий бундай деган эканлар; “Тушимда Пайғамбар Алайҳиссаломни кўрдим.Шунда мен ул зотнинг қаршисида туриб,елпиғич билан муборак юзларидан ниманидир хайдаяпман .Мен бу тушим маъносини сўрасам ,улар “Сиз пайғамбар алайҳиссалом қавлларини ёлғондан тозалайсиз”,дейишди - .Мана шу гап менинг зиммамага “Ал –жоми ас -саҳиҳ “ни ёзмоқни юклади.

⁶⁷Убайдулла Уватов-Буюк Аждодлар Тошкент 2014 10-бет

⁶⁸Буюк алломанинг энг муҳим асари ,шубҳасиз “Ал-жоми ас-саҳиҳ”дир.Бу асар “Саҳийҳ ал-Бухорий”номи билан ҳам машҳурдир.Унинг ғоят аҳамиятли жиҳати шундаки Имом ал-Бухорийгача ўткан Муҳаддислар ўз асарларига эшитган барча ҳадисларни танлаб ўтирмай қаторасига киритаверганлар.Имом ал-Бухорий эса турли ровийлардан эшитган ҳадисларни табакаларга бўлиб,уларнинг ишончлиларини ажратиб,алоҳида китоб яратди.⁶⁹Аллома ибн Салоҳнинг таъкидлашича ,Ал-Бухорийнинг бу асарига киритилган ишончли ҳадисларининг сони такрорланадиганлари билан бирга 7275 та бўлиб ,такрорланмайдиган холда эса эса 4000 ҳадисдан иборат.Бу шарафли ишни биринчи бўкиб Ал Бухорий бошлаб берган бўлиб ,кейин қатор олимлар унга тақлид қилган бўлиб ,шу зайлда ҳадислар тўпламини яратганлар.Имом ал-Бухорийнинг ушбу йирик асарининг ёзилганига тахминан 1200 йил бўлди,ўша даврдан бошлаб токи шу вақтгача ислом таълимотида Қурони Каримдан кейинги иккинчи ўринда турадиган муҳим манба сифатида юқори баҳоланиб келмоқда.Имом ал-Бухорийнинг ушбу асари кўплаб шаҳарларга тарқалган.Хатто ўрта асрларда яшаган баъзи адиб ва хаттотлар учун бу асар нусхаларини кўчириш тирикчилик манбаи ҳисобланган.Жумладан таниқли адиб ва тарихчи Ан-Нувайрий Ал-Бухорийнинг ушбу асаридан саккиз нусха кўчириб,ҳар бирини минг дирхамдан сотган.1325-йилда кўчирилган саккиз жилддан иборат гўзал бир нусхаси ҳозир Истанбулда сақланмоқда⁷⁰Имом ал-Бухорий ғоятда тақводор покиза инсон бўлганлар Муҳаммад алайҳиссаломнинг саҳиҳ ҳадисларини тўплашга жуда ката маъсулият ва ҳалоллик билан ёндошганлар.Шу боисдан ҳам алломанинг ўзлари “Китобимга таҳорат қилиб икки ракат номоз ўқимай туриб , биронта ҳам ҳадис киритмайман.”-деб таъкидлайдилар.Имом ал-Бухорийнинг таъкидлашларича тўплаганга 600000 ҳадисдан фақат 7275 та саҳиҳлари танлаб олинган бўлиб 16-йил давомида таълиф этилган.Унинг

⁶⁸Убайдулла Уватов-“Буюк Муҳаддислар” Тошкент 1998. 33-бет.

⁶⁹“Маънавият юлдузлари” Тошкент 1999.56-бет

⁷⁰“Маънавият юлдузлари”Тошкент 1999.57-бет

айнан қаерда ёзилганлиги ҳақида турли фикрлар мавжуд.Тарихчи ал-Асқалоний бундай дейди “Имом ал-Бухорий “ал-жоми ас-саҳиҳ”ни Байтуллоҳда ёзишга киришиб,ўз она юртлари Бухорода ниҳоясига етказганлар ва оққа кўчирганлар.Имомал-Бухорий “Ал-жоми ас саҳиҳ”ни яратишда илмий режа асосида иш олиб борганлар.Бу эса ҳадислартўплашда ҳам ,уларни асар сифатида яхлит таркибга келтиришда ҳаммуҳиижобий рол ўйнади.Имом ал-Бухорий ровийлар хусусида ҳам жуда катта маъсулият ва эҳтиёткорлик билан иш тутиб ,қайта-қайта текширувлардан сўнгина улардан ҳадислар ёзиб олганлар.Бу хусусда алломанинг ўзи “Минг ёки ундан ортиқ уламолардан ҳадис ёзиб олдим ,менинг асаримга исноди келтирилмаган биронта ҳам ҳадис кирмаган”⁷¹ –дейди.

Имом ал-Бухорий ҳадис ривоят қиладиган шахслар хусусидаги барча маълумотларни тўлиқ билгачгина улардан ҳадис ёзиб олганлар.Бу ҳақда Имом ал-Бухорий “Бировдан ҳадис ёзиб олиш услубим бошқалар услубига ўхшамас эди .Мен агар бирор-бир шахсдан ҳадис ёзиб олмоқчи бўлсам,енг аввало унинг исми шарифи ,куняси,насл-насаби,айтаётган ҳадиснинг манбаси ва унинг нусхалари ҳақидаги ҳабарларни сўраб –суриштирар эдим.аммо бошқалар бу масалаларга кўп ҳам эътибор бермайдилар.” – дейдилар.⁷² Олимларнинг таъкидлашича , “Ал-жоми ас-саҳиҳ”да фикҳ,исломий маросимлар ,ахлоқ-одоб,таълим-тарбия ҳақида ,шунингдек ўша давр тарихи ва элшунослигига доир маълумотлар киритилган.⁷³Имом ал-Бухорий”Иймон- қавл ва унга амал қилмоқдир”деган шиорга умр бўйи вафо қилдилар.Аввал таъкидлаб ўтилганидек ,Имом ал-Бухорийнинг бу ҳадисларига фақат саҳиҳ ҳадислар киритилган.Албатта,бу ўта машаққатли ва хайрли ишни амалга оширишда муаллиф маълум қонун қоидаларга , бошқача қилиб айтилса ,муайян шартларга риоя қилганлар.Умуман ҳадисшунослик илмида “Саҳиҳ”деб тан олинган олтига тўпламнинг муаллифлари ҳам,бошқача муҳаддислар ҳам ўзига ҳос

⁷¹У.Уватов-“Буюк Муҳаддислар”Тошкент 1998.33-бет

⁷²Убайдулла Уватов-“Буюк Муҳаддислар”Тошкент 1998.34-бет

⁷³Султон Салим Бухорий-“Табаррук Зиёротгоҳлар”Тошкент 1993.2-бет

шартларга риоя қилган ҳолда ўз асарларини яратганлар. Имом ал-Бухорийнинг “Ал-жоми ас-саҳиҳ” асарларига жуда кўп шарҳлар ёзилган бўлиб, улар ҳажм ва аҳамият жиҳатдан ҳилма ҳилдир. Қатор манбаларда (масалан; Хожа Халифанинг “Кашф уз зунун” Ал-Қасдалонийнинг “Муқаддима” Умар Ризо Қаҳҳоланинг “Мужам ал-муаллифийн” асарлари) да келтирилишича уларнинг сони юзга яқин. “Саҳиҳи Бухорий”ни европаликлардан дастлаб Крайзон деган олимнинг тилига таржима қилиб нашр эттирган. 1879-йилда Белк деган шаҳарда ўн жилдда нашр эттирган. Доктор Муҳаммад Муҳсинхон ҳам уни инглиз тилига таржима қилиб, нашр эттирган. Шунингдек, бу асар 1935-йилда Олмониялик аллома Муҳаммад Асад (Исломни қабул қилиб шу исмни олган) томонидан немисчага таржима қилиниб муҳтасар изоҳ билан икки жилдда нашр этилган.⁷⁴ Асарнинг ката қисми 1936-йилда немис тилида Кембрижда ҳам нашр этилган. “Ал жоми ас Саҳиҳнинг” дастлабки икки жилди Аҳмад Наим томонидан, турк тилига ағдалириб, 1928-йида Истанбулда нашр этилган. Сўнг Комил Мийрос деган олим унинг таржимасини охирига етказиб, қолган икки жилдини ҳам нашр эттирган. “Саҳиҳ ал-Бухорийнинг” франсуз тилидаги таржимаси О.Ходдас ва Б.Марсуйс деган олимлар томонидан 1903-1914 йилларда бажарилган бўлиб, Парижда нашр этилган. (1934)⁷⁵ Қуйида Имом ал-Бухорийнинг “Ал-Жоми Ас Саҳиҳ” асарига битилган энг мукамал ва энг мўтабар шарҳлардан изоҳ келтириб ўтамыз.

“Фатҳ ал – борий ли-шарх саҳиҳ ал-Бухорий” Муаллифи Шайхулислам Абулфазл Аҳмад ибн Али ибн Хажар ал-Асқалоний . Бу шарх Имом ал-Бухорийнинг “ал – жоми ас-саҳиҳ” номли асарига битилган энг мукамал ва энг мўтабар шарҳдир. Бу асар хухусида буюк араб мутаффакири Ибн Халдун (ХВ -аср) “ Ибн Хажар ал Асқалонийнинг Имом ал-Бухорий асарига ёзилган “Фатҳ ал-борий” номли шарҳини бутун ислом

⁷⁴У Уватов – “Буюк Муҳаддислар” Ташкент 1998 35 – бет

⁷⁵У.Уватов-“Буюк Муҳаддислар” Тошкент 1998.36-бет

умматининг ўрганмоғи қарзидир”-деб ёзади.Ҳақиқатдан ҳам ушбу асар илмий жиҳатдан ғоятда мукаммал ва муҳим бўлиб ,ҳар бир ҳадис илми тадқиқотчиси унга мурожаат қилмоғи зарур.Ал-Асқалонийдан кейин”Ал-жоми ас-саҳиҳ”га шарҳ ёзган барча муаллифлар ана шу асардан фойдаланганлар.

“Ҳадй ус-сорий муқаддимат фатҳ ал-борий” бу шарҳнинг муаллиф ҳам Ибн ҳажар ал-Асқалоний бўлиб,у “Фатҳ ал-борий”га битилган муқаддима ҳисобланади.Бу асар 10 бўлимдан иборат .Унда Имом ал – Бухорий таржимаи ҳоллари,асарлари ва шогирдлари ҳақида ҳам маълумотлар бор.

“Ал –илом би-ман зукира фил Бухорий мин ал-алом” бу асарнинг ҳам муаллифи Ибн ҳажар ал-Асқалонийдир .Муаллиф бу асарида “Таҳзийб ал камол” номли китобига кирмай қолган ровийлар ҳақида зикр қилади.

“Талийқ ат –Талийқ ” бунинг ҳам муаллифи Ал-Асқалоний бўлиб ,унда аллома Ал-Айнийнинг эътирозларига жавоб берилган. Унинг қўлёзма нусхаси Ранбур (Ҳиндистон)даги кутубхоналарда мавжуд.⁷⁶

“Ғоят ат-тавзийх лил жоми ас саҳиҳ ” муаллифи Усмон ибн Иброҳим ас-Сиддиқий ал-Ханафий .Бу асарнинг қўлёзма нусхаси Ранпурдаги “ал-мактаба ал-амирийя”кутубхонасида сақланади.

“Ал-каваб ас-сорий фи шарҳ ал-жоми ас-саҳиҳ ал-Бухорий “ муаллифи Аш-шайх Абулҳасан Али-ибн Хусайн ибн Урва ал-Ханбалий .Бу асарнинг қўлёзмаси Ранпурдаги “Ал мактаба ал-амирийя ”кутубхонасида сақланади.

“Шарҳ саҳиҳ ал-Бухорий” муаллифи Абдурахмон ал-Бахра .Қўлёзма нусхаси қўлёзма нусхаси Ранпурдаги “ал мактаба ал амирийя” кутубхонасида сақланади.

“Шарҳ саҳиҳ ал Бухорий” Муаллифи абу –Довуд .Қўёзма нушаси Истанбулдаги “аё-София ” кутубхонасида мавжуд.

“Шарҳ ал муҳаллаб”.Муаллифи Муҳаммад ибн абу Сафра Ал-Аздий

⁷⁶Ўша асар .39-бет

“Мухтасар шарх ал-муҳаллаб ” Муаллифи Муҳаллаб ибн абу-Сафра ал Аздийнинг шогирди Абу Абдуллоҳ ибн Халаб ибн Муробий .

“Ал ажвиба алал –масоил ал-мустағриба мин ал-Бухорий ” Муаллифи Абу Умар Юсуф ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдулбир ал-Моликий

“Ас-Сирож” Муаллифи Абу аз Зинод .

“Шарх ал –Бухорий ” Муаллифи Абдулкарим ибн –Абдуннур ибн Муннир ибн Абдулкарим ибн Али ибн Абдулҳақ ал-Халабий.

“Шарх – сахийҳ ал Бухорий ”. Муаллифи Али ибн Мустафо ас – Шофий

“Шарх ад –Довудий ” муаллифи Абу Жафар Аҳмад ибн Саид ад – Довудий

“умдат ал Қорий фи шарх сахийҳ ал –Бухорий ” муаллифи Бадруддин Абу Муҳаммад ибн Аҳмад ибн –Мусо ал-айний ал-ханафий.Бу шарх Қоҳира ва Байрутда нашр этилган.⁷⁷

“Шавоҳид ад тавсийҳ ” муаллифи Сирожиддин Умар ибн али ибн Аҳмад ибн ал Мулаққин ал-Шофий

“ал Ломи ас сабийҳ ” Муаллифи Шамсуддин абу Абдуллаҳ Муҳаммад ибн Абдудоим ибн Мусо ал-Бурмовий .Қўлёзма нушаси Истанбулдаги Аё –София кутубхонасида сақланмоқда .

“Ат-талқийҳ ли-фахм ал-қорий ас-сахийҳ ” муаллифи Сабт ибн ал-ажамий

“Мажма ал Баҳрайн ва жавоҳир ал-хабарайн ” муаллифи Тақуиддин Яхё ибн Муҳаммад ибн Юсуф ал-Кирмоний

“Шарх сахийҳ ал –Бухорий ” .Муаллифи Абу Хафс Умар ибн ал Хасан ибн Умар ал-Азавий ал-Ашбилий.

“Шарх Сахийҳ ал-Бухорий”.Муаллифи Абулқосим Аҳмад иб Муҳаммад ибн Умар ибн Барад ат – Тамимий

⁷⁷У.Уватов – “Муҳаддислар султони ” Тошкент 1998.40-бет

“Шарх ибн ат-Таййин ”.Муаллифи Абдулвоҳид ибн Таййид ас-Сафоқисий.

“Ал мутаворий ала тарожум ал-Бухорий” муаллифи Носуриддин Али ибн Муҳаммад ибн ал-Мунаййир ал-Искандароний

“Шарх саҳийҳ Ал Бухорий ” муаллифи Абу Асбағ Исо ибн Саҳл ибн Абдуллоҳ ал-Асадий

“Шарх саҳийҳ ал Бухорий” муаллифи Рукнуддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдулмўмин ал-Қураймий

“Ат танқийҳ ли-алфоз ал-жоми ас-саҳийҳ Муаллифи Бадриддин Муҳаммад ибн Баҳодир ибн –Абдуллоҳ аз-Заркаший аш- Аш Шофий .қўлёзма нусхалари Батнадаги “Шарқ қўлёзмалари” ва Истанбулдаги “Аё София” кутубхоналарида мавжуд

“Шарх саҳийҳ ал Бухорий ”.Муаллифи Абулбақо Муҳаммад ибн Али ибн Халаф Ал Аҳмадий Ал –Мисрий аш-Шофий .⁷⁸

“Нажоҳ ал-Қорий “ Муаллифи Юсуф Афандизода Абдуллоҳ ибн Муҳаммад(Абдуллоҳ ибн Муҳаммад).Қўлёзма нусхаси Истанбулдаги “Валиуддин Султон Боязид”кутубхонасида мавжуд.

“Масоих ал-жоми” . Муаллифи Бадруддин Муҳаммад ибн Абу Бакр ад-Дамомийний ;Қўлёзма нушаси Истанбулдаги “Нур ул Усмонийя” кутубхонасида сақланади.

“Ат ташвих алал- жоми ас-саҳийҳ” Муаллифи Жалолиддин Абдурахмон ибн Абу Бакр ас-Суютий”. Қўлёзма нусхаси Туркиядаги “Аҳмад ас-Солис”кутубхонасида мавжуд.

“Ҳидоят ал-Борий” Муаллифи Закарийё ал Ансорий .Қоҳирада нашр этилган.

“Иршод ас-Сорий” Муаллифи Шаҳобиддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр ал-Хатийб ал-Қасталоний ал –Мисрий .Асарда Имомал-Бухорийнинг сийратлари ҳусусида қимматли маълумотлар келтирилган.

⁷⁸У.Уватов – “Буюк Муҳаддислар”Тошкент 1998.41-бет

“Шарх сахййх ал-Бухорий” Муаллифи Разиюддин Хасан ибн Муҳаммад ас-Сағоний ал-Ханафий .Қоҳирада чоп этилган .

“Ал кавсар ал-жорий ала риёз ал-Бухорий” Ал-Фозил Аҳмад ибн – Исмойил ибн Усмон ал-Кавроний .Қўлёзма нушаси Истанбулдаги “Аё София” кутубхонасида сақланади.

“Китоб – ан – нажот фий шарҳ китоб ахбор ас сихоҳ ” Муаллифи Нажмуддин Абу Хафс Умар Ибн Муҳаммад ан – Насафий (қачон туғилганлари номалум – 1142)

“Зиё ас-сорий” Муаллифи Абдуллоҳ ибн аш-Шайх Солим ибн Муҳаммад ал-Басрий ал-Моликий .Қўлёзма нусхаси Истанбулдаги “Нур ал исломия” кутубхонасида сақланади.

“Зий ас сорий” Муаллифи Абдуллоҳ ибн аш –Шайх Солим ибн Муҳаммад ал-Басрий ал-Моликий (1722 йилда вафот этган) Қўлёзма нусхаси Истанбулдаги “Нур ал-Усмония” кутубхонасида сақланади.⁷⁹

“Нур ас сорий ”Муаллифи Аш-шайх Хасан ал- Адвий ал- Хамзовий ал- Моликий (1888-йилда вафот этган) Қоҳирада нашр қилинган .

“Бахжат ан – нуфус ” Муаллифи Абдуллоҳ Ибн Саъд Ибн Абу Жамра ал- Аздий (1278-йил вафот этган) Қўлёзма нусхаси Истанбулдаги “Валиуддин Султон Боязид” кутубхонасида сақланади.

“Фазл ал-Борий” Муаллифи номаълум . Лахорда чоп этилган .

“Муълим ал қорий шарх сулосиёт ал- Бухорий ” Муаллифи аш-Шайх Разиуддин Абулхайр Абдулмажидхон Таванкий . Анқарада нашр этилган . (1845)

“Ал Ифром би-мо вақа фил Бухорий минол ибхом ” Муаллифи Жалолиддин Абдурахмон ибн Умар ибн Раслан ал- Балқий . Қўлёзма нусхалари Истанбулдаги “Валиуддин Султон Боязид ” ва “Аё София ” кутубхоналарида мавжуд .

⁷⁹Убайдулла Уватов – “Буюк Муҳаддислар” 42-бет

“Раф ал – илтибос ” . Муаллифи Абу Таййиб Муҳаммад шамс Ал – хаққ ал – Азимободдий (1912- йилда чоп этилган) Дехли (1891) Мўлтон (1965) чоп этилган.

“Ғоят ал- маром фий рижол ал – Бухорий ила Саййид ал- аном ”Муаллифи Аш – шайх Муҳаммад ибн Довуд ибн Муҳаммад ал – Бозилий ал- Курдий ал- Хамавий аш- Шофий (1519-йил вафот этган) Қўлёзма нусхаси Истанбулдаги “Нур ал Усманийя” кутубхонасида мавжуд .

“Шарх Сулосиёт ал-Бухорий ” Муаллифи Ахмад ибн Ахмад ибн Муҳаммад ал Ажамий (1675 йил вафот этган) Қўлёзма нусхаси Истанбулдаги “Али Пошшо ғозий Султон Махмудхон ас – Соний ” кутубхонасида сақланади.

“Ал жам байн ас – Саҳиҳайн ” Муаллифи Абу Муҳаммад Абдулҳақ ибн Абдуррахмон ал- Озодий ал – Ашбилий ибн ал- Харрот (1186-йил вафот этган) Қўлёзма нусхаси Истанбулдаги “Нур ул Усманийя” кутубхонасида сақланади.⁸⁰

2.3 Абу Исо Ат - Термизийнинг ҳадис илми ривожигадаги улкан ҳиссаси

Унинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн аз-Заҳҳоқ Абу Исо ас-Сулламий аз-Зарийр ал-Буғий ат-Термизий бўлиб, хижрий 209 (мелодий 824) йили Термиз яқинидаги Буғ (ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Шеробод тумани ҳудудида жойлашган) қишлоғида ўрта ҳол бир оилада таваллуд топган.⁸¹

Унинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн аз-Заҳҳоқ Абу Исо ас-Сулламий аз-Зарийр ал-Буғий ат-Термизий бўлиб, хижрий 209 (мелодий 824) йили Термиз яқинидаги Буғ (ҳозирги Сурхондарё

⁸⁰Убайдулла Уватов – “Буюк Муҳаддислар” 43-бет

⁸¹Нуриддин Аттор – Ал Имом ат Термизий,21-22 бетлар

вилоятининг Шеробод тумани ҳудудида жойлашган) қишлоғида ўрта ҳол бир оилада таваллуд топган.⁸²

Лекин эл орасида ат-Термизий номи билан машҳур бўлишига сабаб унинг бутун ҳаёти ва фаолияти (ёшлигидан бошлаб) Термиз шаҳри билан чамбарчас боғлиқ бўлганлигидан, шунингдек, олим туғилган Буғ қишлоғи Термиз шаҳрига яқин бўлиб, маъмурий-идоравий жиҳатдан унга мансуб қишлоқлардан эканлигидан деб изоҳлаш мумкин. Ат-Термизийнинг оиласи ва ота-онаси ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар келтирилмаган.

Тарихчилар унинг «Бобом асли марвлик эди, у киши Лайс ибн Сайёр замонида яшаган, сўнг у ердан Термизга кўчиб келган»⁸³ деган фикрини келтириш билан чегараланадилар.

Шунингдек, ат-Термизийнинг кўзи ожизлиги хусусида ҳам ёзма манбаларда турли-туман маълумотлар келтирилган. Баъзи муаллифлар уни туғма кўзи ожиз бўлган деса, кўпчилик муаллифлар олимнинг кейинчалик, умрининг охирларида кўзи ожиз бўлиб қолганлигини ёзадилар.

Ат-Термизий ёшлигидан ўта тиришқоқ, идрокли ва заковатли бўлганлиги боис ўз тенгдошлари ичида ажралиб турган. Илмга ўта қизиқиши туфайли ўша даврнинг кўпгина илмларини, айниқса, ҳадис илмини чуқур эгаллаган. Термиз, Самарқанд, Марв ва Марказий Осиёнинг бошқа йирик шаҳарларида истиқомат қилган машҳур уламо ва муҳаддислар

асарларини кунт билан ўрганган, қўшни Балх ва Ҳайратон шаҳарларидаги илм аҳллари билан илмий алоқалар ўрнатилишига муносиб ҳисса қўшган олимлардан биридир. Ёшлигидан илм-фанга ташна ат-Термизий 850 йилдан, яъни йигирма олти ёшидан бошлаб узоқ юртларга, қатор хорижий мамлакатлар ва шаҳарларга сафар қилади. Жумладан, у Ҳижозда — Макка ва Мадина, Ироқ, Хуросоннинг қатор шаҳарларида кўплаб муҳаддис, уламолар билан мулоқотда бўлиб, улардан таълим олади, қизгин илмий мунозара ва баҳсларда иштирок этади. Тарихчи

⁸²Қитоб ал ансоб-2-жилд ,335-бет

⁸³Шарх аш шамоил 1-жилд 8-бет; Совет шарқи мусулмонлари 1990 йил.3-сон 1-бет

Шамсуддин аз-Захабийнинг таъкидлашича.⁸⁴ ат-Термизий Миср ва Шомни шахсан зиёрат қилмаган, шу боисдан ҳам бу мамлакатлар уламоларидан билвосита ҳадислар ривоят қилган. Узок йиллар давом этган сафарлари чоғида ат-Термизий нафақат ҳадис илмидан, балки илм ал-қироат, ал-баён, фикҳ, тарих каби фаннинг бошқа соҳалари ҳамда кўплаб устозлардан сабоқ олади. Шу билан бир қаторда ат-Термизий пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларини тўплашга алоҳида эътибор билан қарайди. Бу борада у ҳар қандай қийинчиликларга бардош беради. У ўзи ўқиган ёки бирор ровийдан эшитган ҳадисини алоҳида қоғозларга қайд этиб борар, уларнинг асли ва иснодини изчиллик билан аниқлаб тўғрилигига тўлиқ ишонч ҳосил қилсагина қоғозларга қайд этарди. Ҳадисларнинг тўғрилигига шубҳа бўлганда уларни алоҳида ажратиб ёзарди. Шу тариқа ҳадислар саҳийх (тўғри, ишончли), ҳасан (яхши, маъқул), зайиф (бўш, ишончсиз), ғарийб (ғалати) каби хилларга ажратилган.⁸⁵

Ҳадис илмини эгаллашда ва такомиллаштиришда имом ат-Термизий ўз даврининг машҳур муҳаддисларидан таҳсил олди. Унинг устозларидан Имом ал-Бухорий, Имом Муслим ибн ал- Ҳажжож, Абу Довуд, Қутайба ибн Саъид, Исҳоқ ибн Мусо, Маҳмуд ибн Ғийлон, Саид ибн Абдурраҳмон, Муҳаммад ибн Башшор, Али ибн Ҳажар ал-Марвазий, Аҳмад ибн Мунийъ, Муҳаммад ибн ал-Мусанно, Суфён ибн Вақийъ ва қатор таниқли муҳаддисларни кўрсатиш мумкин.⁸⁶

Имом ат-Термизий ўз даврининг етук муҳаддиси сифатида кўпгина шогирдларга устозлик ҳам қилган. Унинг шогирдларидан Мақхул ибн ал-Фазл, Муҳаммад ибн Маҳмуд Анбар, Абу ибн Муҳаммад ан-Насафюн, Ҳаммод ибн Шоқир, Хайсам ибн Кулайб аш-Шоший, Аҳмад ибн Юсуф

⁸⁴Аз Захабий- Сияр аълом ан нубало ,13-жилд,271-бет.

⁸⁵Нуриддин Аттор –“ Ал-Имом Ат –Термизий “,23-24 бетлар ,Комил Муҳаммад Авайда “Абу Исо Авайда ”58-59 бетлар.

⁸⁶Нуриддин Аттор –“Ал Имом Ат Термизий”,23-24 бетлар .Комил Муҳаммад Авайда – “Абу Исо Ат Термизий”58-59 бетлар.

ан-Насафий, Абул-Аббос Муҳаммад ибн Маҳбуб ал-Маҳбубий каби етук олимларни кўрсатиш мумкин.⁸⁷

Юқорида кўриб ўтганимиздек, ат-Термизийнинг устоз ва шогирдлари орасида турли мамлакат ва элат вакиллари борлиги сезилиб турибди. Шу нуқтаи-назардан қаралганда, узок ўтмишда ҳам илм-фаннинг тараққиёти ва маърифат уруғларини тарқатиш борасида турли ўлкаларнинг вакиллари яқдил бўлиб фаолият кўрсатиб самарали ҳамкорлик қилганликлари, умумбашарий кадриятлар равнақи йўлида ҳақиқий байналмилаллик руҳи мавжуд бўлганлиги ҳозирги давримиз учун ҳам ибратли бир ҳолдир.

Ат-Термизий зехнининг ўткирлиги ҳамда қувваи-ҳофизаси кучлилиги хусусида тарихий манбаларда кўплаб мисоллар, ривоятлар келтирилади. Жумладан, араб тарихчиси Шамсуддин аз-Заҳабийнинг (1274—1347) «Тазкират ул-хуффоуз» («Ҳофизлар ҳақида тазкира») номли асарида куйидаги ҳикоя келтирилади: Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий Маккага ҳажга бораётганида йўлда машҳур муҳаддислар билан мулоқотда бўлади ва уларнинг биридан⁸⁸ ҳадислардан сабоқ беришини илтимос қилади. У олим: «Бўлмаса қоғоз-қалам ол», деган. Аксига олиб шу пайт ат-Термизий қалам топа олмаган ва олим рўпарасида ўтириб эшитган ҳадисларини ёзиб олаётгандек қоғоз устида қўлини ҳаракат қилдираверган. Олим эса турли-туман ҳадислардан етмишга яқинини ҳикоя қилган. Шу орада олим қоғозга қарабунда ҳеч қандай ёзув йўқлигини кўрган ва ат-Термизийнинг бу ишидан жаҳли чиққан. Ат Термизий шунда бамайлихотир «Сиз айтган ҳадисларингизни ёддан айтиб берайми?», — дегану ҳозиргина олимдан эшитган ҳадисларнинг ҳаммасини бирин-кетин такрор айтиб берган. Ат-Термизийнинг хотираси кучлилигидан ўша олим ҳайратга тушиб қойил қолганлигини билдирган.

⁸⁷Аз Заҳабий – “Сияр Аълум ан нубало”,13-жилд 271-272 бетлар. Нуриддин Аттор – “Ал Имом ат - Термизий”,30-бет .

⁸⁸“Тазкират ал Хуффоуз “ 634-бет, Ал-Муқаддасий-“Шурут ал-аиммат ас-ситта ,17-бет

Бу хусусда яна бир ҳикоя ат-Термизийнинг сўзига асосланиб келтирилади: Маккага кетаётганимда бир шайх тўплаган ҳадислардан икки қисмини ёзиб олган эдим. Тасодифан ўша шайх билан учрашиб қолдим. Ёзиб олинган ҳадислар мазмунан уларга ўхшаш-у, бироқ бошқа ҳадислар экан. Салом-алиқдан сўнг ҳадисларни айнан унинг ўз оғзидан эшитишни илтимос қилдим. У рози бўлиб, ҳадисларни ҳикоя қила бошлади. Кейин менга қараб қўлимдаги оқ қоғозни тоза, яъни ҳеч нарса ёзилмаган ҳолда кўргач: «Бу қилигинг учун мендан уялмайсанми?», — деди. Мен маъзуруна ҳолда бор ҳақиқатни айтиб: «Сиз ҳикоят қилган ҳадисларнинг ҳаммасини ёддан биламан», дедим ва уни бирин-кетин сўзма-сўз айтиб бердим. Шайх эса сўзларимга ишонқирамасдан «Нима, менинг ҳузуримга келишдан олдин уларни махсус ёдлаган эдингми?», — деди. «Йўқ», деб жавоб қилиб: «Агар сўзларимга ишонмасангиз, бошқа ҳадислардан айтинг», дедим. Шунда у ўзининг ғаройиб ҳадисларидан қирқтасини ҳикоя қилди. Мен унга уларни ҳам бошдан охир бирма-бир айтиб бердим. Шунда у: «Сенга ўхшаганини ҳеч қачон кўрмаган эдим», — деди.⁸⁹ Ат-Термизий кўплаб хорижий мамлакатларга қилган сафар чоғида ҳадисларни тўплаб, китоблар таълиф қилишга ҳам киришган. Сафардан қайтгач, олиму фузалолар билан илмий мунозараларда қатнашади, кўплаб шогирдларга устозлик қилади. Айниқса, машҳур муҳаддис аллома ал-Бухорий билан кўплаб илмий баҳслар юритиб ундан истифода қиладики, бу ҳақда ат-Термизий ўзининг «Ал-Илал» китобида ҳам ёзади. Ат-Термизийнинг кўпчилик таснифлари, жумладан, унинг машҳур асари «Ал-Жомийъ» ҳам ўз ватанига қайтганидан кейин яратилган. Имом ат-Термизий 892 йилда Термиз яқинидаги Буғ қишлоғида вафот этган ва шу жойда дафн қилинган.

Ўз ижодий фаолияти даврида ат-Термизий ўндан ортиқ асарлар яратди. Унинг маданий меросида, шубҳасиз, «Ал-Жомийъ» асари катта аҳамиятга эгадир. Бу асар «Ал-Жомийъ ас-саҳийҳ» («Ишончли тўплам»),

⁸⁹«Тазкират ал-хуффов», 634-бет. Ал-Муқаддасий» Шурут ал аиммат ас-ситта ,17-бет.»

«Ал-Жомиъ ал-кабийр» («Катта тўплам»), «Саҳийҳ ат-Термизий», «Сунан ат-Термизий» («Термизий суннатлари») номлари билан ҳам юритилади.⁹⁰

Муаллифнинг йирик асарларидан яна бири «Аш-шамоил ан-набавийя» («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари»)дир. Бу асар «Аш-шамоил муҳаммадийя», «Аш-шамоил фи шамоил ан-набий саллоллоху алайҳи вассаллам»⁹¹ номлари билан ҳам аталади. Ушбу асар Саудия Арабистонида истиқомат қилган ватандошимиз Саид Маҳмуд Тарозий (у 1992 йили вафот этган) томонидан ўзбекчага ўгирилган (араб алифбосида ва кириллчада Тошкентда бир неча бор нашр қилинган).⁹²

«Китоб ат-таърих», «Китоб ал-илал ас-сағийр ва ал-илал ал-кабийр», «Китоб уз-зуҳд» («Тақво ҳақида китоб»), «Китоб ал-асмо вал-куна» («Ровийларнинг исми ва лақаблари ҳақида китоб»), «Ал-илал фил-ҳадийс» («Ҳадислардаги иллатлар ёки оғишлар ҳақида»), «Рисола фил-хилоф вал-жадал» («Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола»), «Асмо ус-саҳоба» («Пайғамбар саҳобаларининг исмлари»)11 шулар жумласидандир.⁹³

Ат-Термизийнинг ижодий фаолиятида яратилган асарлари ичида «ал-Жомиъ ас-саҳийҳ» («Ишончли тўплам») энг асосий ўринни эгаллайди. Ушбу асар юқорида қайд қилганимиздек,«ал-Жомиъ ал-кабийр», («Катта тўплам»), «Саҳийҳ ат Термизий», «Сунан ат-Термизий» («Термизий суннатлари») каби номлар билан ҳам юритилади. Тарихчи Ибн Хажар ал-Асқалонийнинг ёзишича, ат-Термизий ушбу асарини 270 ҳижрий (884 мелодий) йилда, яъни қарийб олтмиш ёшларида, илм-фанда катта тажриба орттириб, имомлик даражасига эришгандан кейин ёзиб тугатган.⁹⁴

Фанлар Академияси, Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтида ҳам сақланмоқда.

Муҳим манба сифатида «Ал-Жомиъ ас-саҳийҳ» бир неча марта нашр қилинган. Бунга далил сифатида 1283 (1866) йили Митохда, 1292 (1875)

⁹⁰Ибн Касир-“Ал боис ал –ҳасис ”22-бет

⁹¹Нуриддин Аттор-“Имом-ат-Термизий”,37-бет

⁹²Масалан;Абу Исо Ат Термизий “Аш шамоил ан набавийя”Тошкент 1993

⁹³Ал-Асқалоний – “Тахзийб ат тахзийб”9-жилд 389-бет.

⁹⁴Ал-Асқалоний-“Тахзийб ат тахзийб”9-жилд 389-бет.

йили Қоҳирада, шунингдек, 1980 йили Байрутда нашр этилганлигини кўрсатиш кифоя. Ат-Термизийнинг бу муҳим асарига бир қатор шарҳлар ҳам ёзилган бўлиб, улардан ибн ал-Арабий (вафоти 543 хижрий, 1148 мелодий йили) номи билан машҳур бўлган имом ҳофиз Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдулла ал-Ашбилийнинг «Оридат ал-Аҳвазий ала китоб ат-Термизий» номли 13 жузь (қисм)дан иборат шарҳларини келтириш мумкин.

Ушбу шарҳ дастлаб 1931 йидда Қоҳирада нашр қилинган. Имом Ҳофиз Абу Али Муҳаммад Абдурраҳмон ибн Абдурахим ал-Муборакфурий (1283—1353) қаламига мансуб яна бир шарҳ ҳам «Тухфат ул-Аҳвазий бишарҳи ат-Термизий» деб аталади.⁹⁵

Ўз устозлари Имом ал-Бухорий, Имом Муслим асос солган хайрли ишни Имом ат-Термизий чуқур масъулият ва катта идрок билан давом эттирди. Ҳадисшуносликнинг илмий асосда ривожланишига улкан ҳисса қўшиб, мусулмон дунёсидаги энг нуфузли муҳаддислардан бири даражасига кўтарилди. Абу Исо ат-Термизийнинг шоҳ асари бўлмиш «Ал-Жомий ас-саҳийҳ»⁹⁶ олим машаққатли меҳнатининг маҳсули сифатида ҳадис илмида катта аҳамиятга эга. Энг аввало шуни айтиш керакки, муаллиф ўз асарини алоҳида-алоҳида бобларга бўлади, имкони борича ҳар бир ҳадис ровийларини келтиради. Ҳар бир ҳадисдан кейин унинг ишончли ёки ишончсизлик даражасини аниқлаб алоҳида кўрсатади. Олдинроқ биз асарини «Ас-сунан» («Суннатлар») номи билан («Сунан ат-Термизий») аталишини ҳам эслатиб ўтгандик.⁹⁷

Бу ном билан аталишига асосий сабаблардан бири — унда фикҳ масаласига доир аҳком ҳадислар жуда кўп келтирилган. Шулар билан бир қаторда асарда панд-насихат, ахлоқ-одоб, гўзал хулқу фазилатлар хусусида ҳам жуда кўп ҳадиси шарифлар келтирилганки, бу даражадаги ҳадислар ҳеч

⁹⁵Ушбу асарнинг қўлёзмаси Ҳалаб(Сурия)даги “Мактабатал авқоф”кутубхонасида(168-рақамда) сақланади.

⁹⁶“Сунан ат Термизий”нинг биринчи жилди ўзбек тилига таржима қилиниб,1999-йилда ўзбек тилига ўгирилган.

⁹⁷“Сунан ат Термизий”нинг биринчи жилди ўзбек тилига таржима қилиниб ,1999-йилда Тошкентда ўзбек тилига таржима қилинди.

бир муаллиф асарида учрамайди, десак муболаға бўлмайди. Таркибий жиҳатдан асар қуйидаги бобларга бўлинади. Ундан таҳорат, салот (намоз), закот, рўза, ҳаж, жаноза, никоҳ, эмизиш, талоқ, савдо-сотик, қозилик аҳкомлари, товон тўлаш, меъёр, сайд, қурбонлик, назр-нузур, иймон, сийратлар, жиҳод, кийим-кечак (либос), таомлар, ичимликлар (ал-ашриба), хайр-эҳсон ва саховат, табобат, фарзлар, васиятномалар, хайрихоҳлик ва тақдир, хуружу фитналар, башоратлар, шаҳодатлар, зоҳидлар, жаннат ва жаҳаннам сифатлари, илм, изн сўраш, одоб ва ахлоқ, масаллар, Қуръон фазилятлари, кироат, тафсир, дуолар, маноқиблар (фазилятлар), иллатлар ҳақидаги боблар келтирилган⁹⁸.

Абу Исо ат-Термизий айтадилар: Масх бобидаги бу сўз пайғамбар алайҳиссаломнинг аксари саҳобаи уламолари ва тобеъинлари ҳамда улардан сўнг ўтган Суфён, Ибн ал-Муборак, аш-Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ каби фуқоҳоларнинг сўзларидир. Улар: «Бир жойда муқим турган киши бир кеча-кундуз, сафардаги киши эса уч кеча-кундузгача масх тортади», дейдилар.

Баъзи бир аҳли илмлардан ривоят қилишларича, улар маҳс — чориққа масх тортишда муддатни белгиламайдилар.⁹⁹

Муаллиф ровийларнинг фикр-мулоҳазалари, пайғамбар алайҳиссаломга яқин бўлган саҳобалар ва бошқа уламолар фикрига таяниб ҳадис ҳақидаги фикрларини баён этади. Асарга киритилган бир неча минг ҳадисни шундай тадқиқ қилиш муаллифдан тинимсиз меҳнат, сабр-тоқат, иродани талаб қилганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Чунончи, ат-Термизий китобларида бу хилдаги ҳадисларнинг бирмунча кўплиги унинг беназир изланишларидан далолатдир. Ушбу асар ҳақида муаллифнинг ўзи ҳам: «Ал-Жомийъ»ни ёзиб тугатиб Ҳижоз, Ироқ ва Хуросон олимларига кўрсатганимда, улар уни мамнунлик билан бир овоздан маъқул топдилар.

⁹⁸Бу ҳақда яна қаранг: Мабоҳис фи улум ал-ҳадийс ,35-бет.

⁹⁹Нуриддин Аттор-«Ал имом ат -Термизий»,51-52-бетлар.

Ростдан ҳам кимнинг хонадонида бу китоб бўлса, гўёки бу уйда пайғамбар алайҳиссаломнинг ўзлари сўзлаётгандек, — деб ёзади.¹⁰⁰

Машҳур олим Тошкўбрийзода Имом ат-Термизий фаолиятига юқори баҳо бериб шундай ёзади: «Имом ат-Термизийнинг ҳадис илми соҳасида кўплаб таснифотлари бор. Ул зотнинг «Ас-Саҳийх» асари ушбу китобларнинг энг яхшиси ва ғоят фойдалисидир. Бу китобда «саҳийх», «ҳасан», «ғарийб» каби турли хилдаги ҳадислар баён этилади. Китобнинг «Китоб ал-илал» қисми иллатли ҳадисларга бағишланган ҳолда фойдали мулоҳазаларни ўз ичига олган. Ушбу асарни мутоала қилган ҳар бир киши унинг ноёб дурдоналаридан бебаҳра қолмайди».¹⁰¹

Ат-Термизий замонидаги олимлар унинг ҳадис илмидаги хизматларини юксак баҳолаганлар. Ҳадис имомларидан бири Абдурахмон ибн Муҳаммад ал-Идрисий «ат-Термизий ҳадис илмида иқтидо қилинадиган имомлардан биридир», деб ёзса, Тақиуддин ибн Таймия «Абу Исо ат-Термизий биринчи бўлиб ҳадисларни саҳийх, ҳасан, заифга тақсим қилган олимдир», деб гувоҳлик беради. Ҳофиз ибн Ражаб ўзининг «Шарҳ илал ал-Жомъ» номли китобида «билгилки, Имом ат-Термизий биринчилардан бўлиб ўз китобларида ҳадисни саҳийх, ҳасан ва ғарийбга бўлганлар»¹⁰² деб алломанинг ҳадис илмидаги хизматларини алоҳида таъкидлайди. Ат-Термизий асарининг барчага — кенг оммага фойдаси ҳақида ал-Ҳофиз Абул-Фазл Муҳаммад ибн Тоҳир ал-Муқаддасий (у 507-ҳижрий — 1113 мелодий йилда вафот этган) «мен учун Имом ат-Термизийнинг «ал-Жомийъ» таснифи Имом ал-Бухорий ва Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож асарларидан кўра ҳам фойдалироқдир. Чунончи ал-Бухорий ва Муслимнинг китобларидан кўпинча фақат ўқимишли, зиёли кишиларгина фойдаланади.

¹⁰⁰Шамсиддин аз Заҳабий-“Тазкират ал хуффоъ”, 634-бет. Ал-Асқалоний-“Таҳзийб ат-Таҳзийб”9-жилд ,389-бет

¹⁰¹Аш шайх Комил Муҳаммад Авайда- “Абу Исо Ат Термизий”, 66-бет.

¹⁰²Шурут ал айммат ас-ситта”16-бет. Ибн Касир “Ал бидоя ван ниҳоя”, 11-жилд, 67-бет

Аmmo Абу Исо ат Термизийнинг асаридан эса ҳар бир истаган киши бемалол фойдалана олади», — деб ёзган эди.¹⁰³

Шу нарсани алоҳида қайд этиш зарурки, Имом ат-Термизийнинг ушбу асарида ҳадис илмининг турли масалалари каби ровийлар масаласига ҳам алоҳида эътибор берилган. Бу жиҳатдан мазкур асар муаллифнинг бошқа асарларидан тубдан фарқ қилади. Имом ат-Термизий асарининг ушбу фойдали томонлари хусусида ал-Ҳоким ан-Найсобурий «ал-Мадҳал ило маърифат китоб ал-иқлийл»¹⁰⁴ ал-Муқаддасий «Шурут ал-аиммат ас-ситта»¹⁰⁵ каби асарларида алоҳида таъкидлаб ўтган. Шу билан бирга ҳадис илмининг истилоҳларини яратишда ҳам Имом ат-Термизийнинг ҳиссаси катта. Ҳадис илмига доир истилоҳларни ўрганишда асосий манбалар ҳисобланган «Уълум ал-ҳадийс» («Ҳадис илмлари») китобларида учрайдиган барча истилоҳлар «ал-Жомиъ» асарида кенг кўламда келтирилган. Ат-Термизий услубига тақлид қилиб асар яратган муаллифлардан Имом ад-Дорукутнийни (995 йилда вафот этган) кўрсатиш мумкин. У ўзининг улкан асари «ас-Сунан»ни яратишда ҳадисларни турли тоифаларга ажратиб, уларни саҳийх, ҳасан ва заиф даражаларда келтиради. Шунингдек, Имом Абдулазим ал-Мунзирий (1258 йилда вафот этган) ҳам «Ат-Тарғийб ват-тарҳийб»да Имом ат-Термизий услубидан юриб ҳар бир ҳадис ҳақида алоҳида фикр¹⁰⁶ юритади. Имом ат-Термизий ҳақида аллома ал-Идрисий «ал-Жомиъ», «Тарихлар», «ал-Илал» каби буюк асарлар тасниф этди. Ҳифзда (ёдлашда) у ҳақида масаллар келтирадилар».¹⁰⁷

Муаррих Ибн ал-Асир унинг ҳақида: «Ҳадис илмида иқтидо қилинадиган буюк олимлардан бири, у энг буюк ҳофизлардан ҳам саналади», деб ёзган.¹⁰⁸

¹⁰³Совет шарқи мусулмонлари, 1990-Йил, 3-сон, 4-бет.

¹⁰⁴Ал мадҳал 288 а-варақ

¹⁰⁵Шурут, 12-13 бетлар.

¹⁰⁶Ибнхажарал Асқалоний-“Тахзийбаттахзийб” 9-жилд, 389-бет.

¹⁰⁷ИбнХажарал – Асқалоний-“Тахзийбат-Тахзийб” 9-жилд, 389-бет

¹⁰⁸Жомиал-Усул, 1-жилд, 114-бет

Имом ат-Термизий ўз устози ва сафдоши Имом ал-Бухорий суҳбатида бўлганда у ат-Термизийга «Мен сендан кўрган фойда сен мендан кўрган фойдадан кўпроқ»,¹⁰⁹деб унинг билими ва ақл-идрокига юксак баҳо берган. Мана шу келтирилган фикр-мулоҳазалардан кўриниб турибдики, Имом ат-Термизий ҳадис илмининг равнақиға муносиб ҳисса қўшган буюк аллома бўлган. Шу билан бир қаторда Имом ат-Термизий фаолиятиға бир қадар таъна билан қараган олимлар ҳам бўлган. Уни саҳийҳ ва ҳасан ҳадислар даражаси (рутбаси)ни аниқлашда биров кўнгли бўш, илтифотли бўлган. Бу шундан иборатки, баъзи бир саҳийҳ ёки ҳасан ҳадислар ушбу даражаға лойиқ бўлмаса ҳам уларни саҳийҳ ва ҳасан деб қабул қилган дейлади. Мана шундай ат-Термизийга таъна билдирганлардан бири тарихчи Шамсуддин аз-Заҳабий бўлиб, у ўз асари «Мийзон ал-эътидол»да бу эътирозини билдирган.¹¹⁰

Лекин Имом ат-Термизий ижодини чуқур ўрганган қатор тадқиқотчилар аз-Заҳабий эътирозлари аксар ҳолда асоссиз эканлигини илмий, асосли хулосалар билан исботлаган.¹¹¹

Айни вақтда Имом ат-Термизийнинг ўзи ҳам ушбу асарни ёзиб тугатгач, ўз даврининг етуқолимлари ҳукмиға ҳавола этган ва улар муҳокамасидан ўтказган. Бу ҳақда аллома шундай ҳикоя қилади: «Ушбу асаримни тасниф этиб бўлгач, ал-Ҳижоз уламоларига тақдим этдим, улар маъқулладилар, кейин Ироқ уламоларига кўрсатдим, улар ҳам маъқулладилар, сўнг Хуросон уламоларига¹¹²кўрсатганимда, улар ҳам маъқул топдилар».

Имом ат-Термизий ҳадисларни бобларға булиш (табвийб)да икки хил услубға таянди. Биринчи услуб: Бир мавзуга, масалан, таҳорат, закот, никоҳға оид турли-туман масалалар ва бобларни ўзида мужассам қилган ҳадисларни умумий бир унвон (сарлавҳа) остида келтиради... Масалан:

¹⁰⁹ИбнХажарАл-Асқалоний-“Таҳзийбат-Таҳзийб”9-жилд 388-бет

¹¹⁰Мийзонал –эътикод 2-жилд 389-бет .

¹¹¹Нуриддин Аттор-“Ал имом ат -Термизий”238-262 бетлар.

¹¹²“Мийзон ал эътикод”,2-жилд,354-355 бетлар

Абвоб ат-тахорати аън Расулуллоҳ (Расулуллоҳ айтганларидан таҳоратга оид боблар), Абвоб аз-закот аън Расулуллоҳ («Расулуллоҳ айтганларидан закотга оид боблар») ва ҳоказо. Иккинчи услуб: Муайян масалага оид бир ёки бир неча ҳадисларни муаллиф далолат учун махсус унвон (сарлавҳа) ва бобда келтиради. Бундай ҳолларда ат-Термизий ушбу боб мазмунига оид бош сўзга таяниб ёзади. Масалан: «Боб мо жоа фис-сивок» («Мисвок (тиш тозаловчи) хусусида келган ҳадис...»). Имом ат-Термизий ҳадислар мавзу баёнида боб (кўплиги абвоб) иборасини қўллаган бўлса, айна шу мақсадда Имом ал-Бухорий эса «китоб» лафзини ишлатган. Ат-Термизий муқаррар равишда ҳар сафар боб (абвоб)дан кейин «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам» иборасини қўшиб келтиради. Бу ўринда ҳар бир боб таржимасида Имом ат-Термизий қўллаган тариқа (йўл, услуб)ни билиш алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлаш зарур, чунки мана шу тарожумлар охир-оқибатда муаллифнинг жидди-жаҳди, унинг иқтидори ва қолаверса фикҳий чуқур билимини ҳам ифодалайди. Мана шу масалани муайян даражада ўрганиш Имом ат-Термизий тарожумларини уч турга бўлишни тақозо этади: Биринчидан, тарожумнинг зоҳирий тариқасини, бу унинг мазмунидан очик ойдин англашилиб у ҳақда ҳеч бир фикрлаш ва мулоҳазага эҳтиёж бўлмайди. Иккинчидан, истинботий (тадқиқ қилиб ўрганиладиган) тарожумларки, уларнинг муайян даражада (чуқур ёки бир қадар юзаки) баҳс ва тафаккур воситасида ўша боб мазмунига мослиги идрок этилади. Учинчидан, мурсалий (бўш, очик) қолдирилган тарожумлар бўлиб, унда ҳадиснинг мазмунига ишорат қиладиган унвон (сарлавҳа) бўлмай фақат «боб» ибораси¹¹³ билан чегараланади. Мана шу уч тарийқа (йўл, услуб) тарожумлар Имом ат-Термизийнинг «ал-Жомийъ», шунингдек, Имом ал-Бухорийнинг¹¹⁴ «Саҳийҳ ал-Бухорий» асарида ҳам мавжуддирки, услуб) тарожумлар Имом ат-Термизийнинг «ал-Жомийъ», шунингдек, Имом ал-

¹¹³Муҳаммад Анваршоҳ ал-Кашмирий-“Ал-Арф аш-Шазий”1-жилд,6-7 бетлар

Бухорийнинг «Сахийх ал-Бухорий» асарида ҳам мавжуддирки,¹¹⁵ бу тақсимлаш услуби тарожумларни чуқур тадқиқ этишда катта аҳамият касб этади.

Энг аввало зоҳирий тарожумлар (ат-тарожум аз-зоҳира) ҳақида гапирадиган бўлсак, бу хилдаги тарожумлар ат-Термизийнинг асарида аксар ҳолларда учраб, ҳатто унинг асари, баъзи муаллифлар алоҳида таъкидлаганларидек бу йўналишдаги энг қулай асарлардан саналган.¹¹⁶

Чунончи, ат-Термизий асари билан танишган ҳар бир илм толиби бу ҳолни осонликча фаҳмлайди. Муаллифнинг «мо жоа» (тааллуқли, доир) ёки кўп ҳолларда «бобун мо жоа фи казо» («фалон масалага доир боб») деб алоҳида таъкидлаши мазкур тарожумнинг мазмун-моҳиятини аниқ кўрсатади. Ушбу ибора Имом ал-Бухорий фаолиятида ҳам, гарчанд кам ҳолларда бўлса-да, кузатилади. Имом ал-Бухорий ва Имом ат-Термизий асарлари зоҳирий тарожумларнинг қатор маслақларида бир-бирига муштарак эканлигини кўрамыз. Бу ҳол қуйидаги масалаларда аён бўлади:

1. Умумий хабарий (ҳикоят) сийғага эга тарожум бўлиб, бунда тарожум, бобнинг мазмунини умумий бир хабар, эҳтимоллик ҳолатига ишорат қилиб сўнгра бобда келтирилган ҳадис орқалигина асил мақсад аён бўлади. Бу ҳол аввалроқ қайд қилганимиздек, Имом ат-Термизийда кўп учраб, Имом ал-Бухорийда камроқ келтирилади. Ат-Термизийнинг «Ал-Жомиъ» асаридан бир мисол келтирамыз. Асарда муаллиф «Бобун можоа фис-сивок» (Сивок) тишковлагич, мисвок хусусидаги бобга доир «Агарки умматимга¹¹⁷ қийин бўлмаганда эди ҳар бир намоздан олдин мисвок билан тишларини тозалашни буюрардим», Машҳур муҳаддис Абу Исо ат-Термизийнинг шахсий ҳаёти ва баркамол ижодининг ҳар томонлама ўрганилиши туфайли буюк бобокалонимизнинг ҳозирги давримиз учун ҳам ўрناق бўладиган кўп ибратомуз фазилатларининг гувоҳи бўламыз. Энг аввало, ат-Термизийнинг ёшлигидан илм-фанга ғоятда чанқоқлиги ва зўр

¹¹⁵Муҳаммад Анваршоҳ ал-Кашмирий-“Ал-Арф аш-шазий”1-жилд 6-7 бетлар

¹¹⁶Нуриддин Атгор-“Ал –имом –ат-Термизий” 275-бет.

¹¹⁷Ал-жоми ,1-жилд,7-бет.

хавас билан қизиқиши, бу борада ҳар қандай қийинчиликларга ҳам бардош бериб ўз мақсади, яъни ўз билимини ошириш йўлидаги жидду-жаҳди катта-катта таҳсинга сазовордир.

Ёзма манбаларда келтирилишича, ҳадисшунослик илми саккизинчи асрнинг иккинчи ярмидан ўн биринчи аср ўрталаригача асосий ва зарурий машғулотлардан бири даражасига айланган. Бу даврда Шарқнинг турли мамлакатларидан бўлган тўрт юздан ортиқ муаллифлар ана шу илм (ҳадисшунослик) билан шуғулланганлар.¹¹⁸

Маълумки, ўз билимини ошириш борасида ат-Термизий кўпгина хорижий мамлакатларни зиёрат қилган. Элма-эл кезиб, чўлу биёбонлар ошиб ровийлардан эшитган ҳадисларини йитиш билан шуғулланган. Уларни тартибли равишда ёзиб қайд қилиш билан бирга ушбу ҳадисларни қанчалик даражада саҳийҳ, ҳасан ёки заиф, мавзу (сохта, ўйлаб чиқарилган) эканлигини қайта-қайта текширган, илмий равишда чуқур тадқиқ этган. Алломанинг шогирдлари орасида турли миллат вакиллари ҳам бўлган.

Ёши қирқдан ошган ва турли мамлакатлар олимларидан таълим олган ат-Термизий ҳам Имом ал-Бухорий машҳур бўлган пайтда етук олим даражасида танилган. Иккала олим ўртасида 863—868 йиллар ораларида Нишопурда кўпдан-кўп самарали илмий мунозаралар, самимий дўстона учрашувлар бўлган.¹¹⁹ Абу Исо ат-Термизий асарлари ҳозирда ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. Унинг «Ал-Жомийъ ас-саҳийҳ», «Аш-шамоил ан-набавиййа» каби асарларида келтирилган ҳадиси шарифлар катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб инсонларни ҳалол, адолатли, иймон-эътиқодли, диёнатли, покиза, меҳнатсевар, мурувватли, раҳм-шафқатли, ота-она, аёлларга нисбатан ҳурмат-эътиборли бўлишга чорлайди. Бу ибратли панд-насихатлар ва ўғитлар халқимизни, жамиятимиз аҳлини, айниқса ёш авлодни тарбиялашда беқиёс аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Ат-Термизийнинг асарлари фақат диний илмлар мажмуасига

¹¹⁸А.Б.Холидов-“Араб қўлёзмалари ва араблар урф-одатлари”Москва,1985,143-бет.

¹¹⁹Ибн Халликон-“Вафоёт ал-аён”3-жилд 407-бет

оид бўлиб қолмасдан, балки дунёвий илмларга оид маълумотларга ҳам бойдир. Масалан, унинг бош асари бўлган «ал-Жомиъ ас-саҳийх»да тарих, мантиқ ҳуқуқшунослик, табобат, зироатга оид кўплаб қимматли маълумотларни учратамиз. Араб тилини ривожлантиришда ат-Термизийнинг хизматлари катталигини замонавий олимлар қайта-қайта таъкидлайдилар. Хулоса қилиб айтганда, буюк бобокалонимизнинг шахсий ҳаёти ва унинг бой маънавий меросини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эгадир.

Хулоса

Хадис илмининг пайдо бўлишини Пайғамбар алайҳиссаломнинг вафотидан бир аср ўтгандан кейин билан боғлаш тўғри бўлади. Чунончи, Пайғамбар ҳаёт вақтларида унинг сўзларию қилган ишларини аввал бошда фақат эшитиш ва мушоҳада қилиш билан чегараланган бўлса, сўнгра уларни нақл этиб ривоят қилина бошлади. Пайғамбардан хадис эшитган саҳобалар ҳам ҳар-хил шароитда бўлганлар, қай бирлари кўпроқ, бошқалари камроқ эшитганлар. Бу ҳол эса нақл ва ривоятга эҳтиёжнинг ошишига сабаб бўлган.

Айни вақтда саҳобалар ҳадисни Пайғамбардан бевосита эшитганлари боисдан , шунингдек қувваи хофизалари ўта кучли бўлганлигидан ҳам ривоят қилишган ҳадисларда иштибоҳ , ёлғон ёки унутиш каби ҳоллар умуман қузатилмаган .Пайғамбар (с.а.в) вафотидан кейин , саҳобалар ислом динига қирган янги - янги ўлкаларга ёйилиб тарқалиб кетгач , Пайғамбар ҳадисларни билишга эҳтиёж ва зарурат тобора оша бўлган. Йиллар ўтиш билан бу эҳтиёж янада қучайиб , хилма -хил шаръий аҳкомларни билиш ва Қуръони Қарим маъноларини идрок этиб чуқур англашга эҳтиёж қучаяди . Мана шу сабабларга кўра ҳадисларни излаб топиш уларни аниқлаш талабида турли ўлкаларга хар-хил сафарлар ва рихлатлар кўпайди . Вақт ўта бориши билан ҳадис ровийларининг кўплигидан уларни аниқ билиш , санадини текшириб билиш , улар ўртасидаги тафовут ва қайсиниси тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш каби қатор масалалар вужудга келдики , буларни ўрганадиган махсус илм - ҳадис илмининг тараккиёт босқичлари 2 гуруҳга ажратилади .

1) Пайғамбар (с.а.в) даврида ҳадис илми .

2) Саҳобалар даврида ҳадис илми .

Ҳадис (араб - ҳабар , гап , янгилик) - Муҳаммад (с.а.в) айтган сўзлари , қилган ишлари, иқрорлари тўғрисида ривоят , ислом динида Қуръондан кейин 2 - манба ҳаисобланади.

Ҳадис 2 қисмдан иборат бўлади : матн ва иснод

Ҳадис 2 турга : Ҳадиси қудсий (маъноси :аллоҳ таолоники , айтиши расулуллоҳ томонидан бўлган ҳадислар) ва Ҳадиси Набавийга бўлинади.

Ҳадислар эътиборга олиниши жиҳатдан 3-қисмга бўлинади : 1) саҳих (ишончли) 2) ҳасан (яхши) 3) заиф . Қуръонда барча ҳуқуқий ва ахлоқий масалалар умумий тарзда баён этилган.Уларга аниқлик қиритиш ва изоҳлаш учун Муҳаммад (с.а.в) ҳадисларини айтарди . Бу ҳадисларни пайғамбарларнинг сафдошлари ёдда сақлашга ҳаракат қиларди. Пайғамбар вафотидан сўнг ҳадисларни нақл қилиш одат тусига қирди.Шу муносабат билан бир гуруҳ мусулмонлар уни ёзма шаклда тўплай

бошладилар.Биринчи хадис китобини Шихоб аз Зухрий ёзди . Ундан кейин бирин -кетин хадис тўпламлари тасниф этила бошланди.Лекин бу тўпламлар муайян тартибга солилмаган , бобларга ажратилмаган бўлиб , уларда пайғамбар хадислари билан саҳобалар ва тобеинларнинг фатволари чалкаштириб юборилган эди.

Хижрий 3 - асрда хадис талиф этиш соҳасида “муснад”, “сахих” “сунан” деб аталмиш турли йўналишлар вужудга келди.Муснад йўналишида таълиф этилган тўпламларда турли мавзудаги хадислар бир жойга келтирилиб , улар хадис ривоят килувчи саҳобаларнинг ислом динини қабул килган вақтига кўра ёки алифбо тартибида жойлаштирилган . Абу Ханифа, Аҳмад ибн Ханбалнинг хадис китоблари шу йўналишга мансуб.”Саҳих” йўналишига тўғри , ишонарли хадислар киритилган. Бу йўналишга Имом Ал Бухорий асос слаган. “Сунан” йўналишдаги тўпламга эса , тўғри , ишонарли хадислар билан бир каторда “заиф”лар ҳам киритилган .Абу Довуд , Абу Исо Ат Термизий, Насоий , Ибн Можа тўпламлари шу йўналишга мансубдир.Мовароуннахрда биринчи бўлиб имом Абдуллох ибн Муборак ал Марвазий хадис тўпламини таълиф этган.

Давр ўтиши билан хадислар танланиб , муҳим деб ҳисобланганлари бир тизимга солина бошлади. IX-X аср бошларида диндорлар орасида энг ишончли деб танилган хадиснинг 6 та тўплами вужудга келган . Булар “сахихи Бухорий” “сахихи Муслим” “сахихи Термизий” “сунани Абу Довуд” “сунани Ибн Можа” “сунани Насоий” “сахихи Бухорий” кўпрок эъзозланади.Бу 6 та хадис тўпламини тузган муҳаддислардан 2 таси Мовароуннахрлик 4 таси Хуросонлик бўлган. Бу хадислар тўплами сунна деб ном олган . Хадислар йиғувчи , тўпловчи , тарғиб этувчи шахслар муҳаддислар деб аталган.Ислом қабул килган халқлар маданий ва ғоявий меъросининг кўп унсурлари исломга хадис шаклида ўтган.Хадис йиғиш ўрта аср мусулмон маданиятининг муҳим хусусияти бўлиб , бу изланишнинг асосий мазмуни ҳисобланган. Хадислар ҳар қандай илмий асарни асослашнинг муҳим қисми бўлган ; ундан хикматли сўз ва матал

сифатида ҳам фойдаланилган . Имом Бухорийнинг “Сахиhi Бухорий ”асари ислом олами олий ўқув юртларинингасосий ўқув кўлланмаси сифатида хизмат килиб келмоқда. Имом Бухорийнинг “сахиhi Бухорий” хадислар тўплами 4 - жилдда (1-ж - 1991 , 2-ж - 1996 , 3-ж -1994 , 4-ж - 1992) 2 нашри эса 1997 йилда Тошкентда нашр этилди. Абу Исо Ат Термизийнинг “сунани Термизий” хадислар тўплами 1-жилдининг ўзбекча таржимаси 1999-йил Тошкентда чоп этилган. Булардан ташкари “Минг бир хадис ”таржимаси “Кудсий хадислар” таржимаси ҳам нашр этилди.

Хадис Мухаммад (с.а.в) айтган гаплари , таъкидлари,ёки ишлари тасвирланган манбалардир.Хадислар шариат нормалари асосини ташкил этади.

Шуни айтиб ўтишимиз жоизки , мустакилликка эришганимиздан сўнг хадисшунослик илмига алохида эътибор билан карала бошланди .

Имом Ал Бухорий илмий марказининг Хадисшунослик бўлимида ушбу соха бўйича катор изланишлар олиб борилмоқда .

АДАБИЁТЛАР

АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР

- 1.Херман Вамбери- “Бухоро ёхуд Мовороуннахр тарихи”асари
- 2.М.М Хайруллаев-“Маънавият юлдузлари” китоби
- 3.Наршахий –“Бухоро тарихи”асаридан [37-бет]
- 4.Исажон Султон – “Тилсим лашкари ёхуд муканна “[ҳикоя]
- 5.Т.Саидқулов –“Ўрта осие халқлари тарихининг Тарихшунослигидан лавхалар”(6-бет)
- 6.Азимхўжа Отахўжаев –“Илк Ўрта асрлар Марказий Осие сивилizatсиясида турк –суғд муносабатлари “Тошкент. 2010.6-бет.
- 7.Аҳмадали Аскарлов – Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи” асаридан Тошкент 2007
- 8.Убайдулла Уватов “Имом Ал Бухорий”
- 9.Носир Мухаммад – Насаф ва Кеш алломалари Тошкент 2006
- 10.Абулкарим Ас Самоний-“Китоб ал -ансоб”
- 11.Нажмиддин Насафий-“Самарқандия” 34-бет
- 12.Н.Мухаммад-Насаф ва Кеш алломалари
- 13.Ас-Сомоний-“Китоб ал-Ансаб”
- 14.Нажмиддин Комилов таржимаси.
- 15.Н.Комилов таржимаси
- 16.Убайдулла Уватов – “ Буюк аждодлар”Тошкент 2014.3-бет
- 17.Убайдулла Уватов – “Буюк Мухаддислар ”Тошкент 1998.13-бет.

- Садриддин Салим Бухорий –“Табаррук Зиёратгоҳлар”Тошкент 1993.1-бет
 18.Рустамбек Шамсиддинов,Шоди Каримов-“Ватан Тарихи”Тошкент 2010.263 бет
 19.Рустам Шамсиддинов,Шоди Каримов-Ватан Тарихи Тошкент 2010.264-бет
 20.“Маънавият юлдузлари” Тошкент 1999.56-бет
 21.Султон Салим Бухорий-“Табаррук Зиёратгоҳлар”Тошкент 1993.2-бет
 22.Нуриддин Аттор – Ал Имом ат Термизий,21-22 бетлар
 23.Китоб ал ансоб-2-жилд ,335-бет
 24.Шарх аш шамоил 1-жилд 8-бет;Совет шарқи мусулмонлари 1990 йил.3-сон 1-бет
 25.Аз Захабий- Сияр аълом ан нубало ,13-жилд,271-бет.
 26.Комил Муҳаммад Авайда “Абу Исо Авайда ”58-59 бетлар.
 27.Комил Муҳаммад Авайда – “Абу Исо Ат Термизий”58-59 бетлар.
 28.Аз Захабий – “Сияр Аълом ан нубало”,13-жилд 271-272 бетлар. Нуриддин Аттор – “Ал Имом ат -Термизий”,30-бет .
 29.“Тазкират ал Хуффоэ “ 634-бет, Ал-Муқаддасий-“Шурут ал-аиммат ас-ситта ,17-бет”
 30.“Тазкират ал-хуффоэ”,634-бет.Ал-Муқаддасий”Шурут ал аиммат ас-ситта ,17-бет.”
 31.Ибн Касир-“Ал боис ал –хасис ”22-бет
 32.Нуриддин Аттор-“Имом-ат-Термизий”,37-бет
 33.Масалан;Абу Исо Ат Термизий “Аш шамоил ан набавийя”Тошкент 1993.
 34.Ал-Асқалоний-“Тахзийб Ат Тахзийб”,9-жилд,389-бет.
 35.Ал-Асқалоний-“Тахзийб ат тахзийб”9-жилд 389-бет.
 36.Ушбу асарнинг қўлёзмаси Ҳалаб(Сурия)даги “Мақтабатал авқоф”кутубхонасида(168-рақамда) сақланади.
 37.“Сунан ат Термизий”нинг биринчи жилди ўзбек тилига таржима қилиниб,1999-йилда ўзбек тилига ўгирилган.
 38.Бу ҳақда яна қаранг:Мабоҳис фи улум ал-ҳадийс ,35-бет.
 39.ШамсиддинаЗахабий-“Тазкираталхуффоэ”,634-бет.Ал-Асқалоний-“Тахзийбат-Тахзийб”9-жилд ,389-бет
 40.Аш шайх Комил Муҳаммад Авайда- “Абу Исо Ат Термизий”,66-бет.
 41.Шурут ал аиммат ас-ситта”16-бет.Ибн Касир “Ал бидоя ван ниҳоя”,11-жилд,67-бет
 42.Совет шарқи мусулмонлари ,1990-Йил,3-сон,4-бет.
 43.Ал мадҳал 288 а-варақ
 44.Шурут,12-13 бетлар.
 45.Жоми ал-Усул,1-жилд,114-бет
 46.Ибн Хажар Ал-Асқалоний-“Тахзийб ат-Тахзийб”9-жилд 388-бет
 47.Мийзон ал –еътиқод 2-жилд 389-бет .
 48.Нуриддин Аттор-“Ал имом ат -Термизий”238-262 бетлар.
 49.Муҳаммад Анваршоҳ ал-Кашмирий-“Ал-Арф аш-Шазий”1-жилд,6-7 бетлар
 50.Нуриддин Аттор-“Ал –имом –ат-Термизий” 275-бет.
 51.Ал-жоми ,1-жилд,7-бет.
 52.А.Б.Холидов-“Араб қўлёзмалари ва араблар урф-одатлари”Москва ,1985,143-бет.
 53.Ибн Халликон-“Вафоёт ал-аён”3-жилд 407-бет

ИЛМИЙ МАРКАЗ САЙТЛАРИ

- 54.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Динишлари бўйича қўмита Ахборотхона изматидан .
 55.Имом ал Бухорий халқаро марказининг веб – сайти: www.Букҳари.уз
 56.Имом Бухорий халқаро илмий марказининг веб сайти www.Букҳари.уз
 57.Тху.@Тху.уз

МАҚОЛАЛАР

- 58.Убайдулла Уватов-“ Муҳаддислар Султони”мақола Тошкент 2014. 1-бет
 59.байдулла Уватов –“ Буюк Аждодлар”мақола Тошкент 2014.1-бет
 60.Убайдулла Уватов – “Буюк Муҳаддислар ”Тошкент 1998.13-бет.
 61.Убайдулла Уватов-“Буюк аждодлар”Тошкент 2014.7-бет
 62.Султон Салим Бухорий-“Табаррук Зиёратгоҳлар”Тошкент 1993.2-бет

ДИССЕРТАЦИЯЛАР

- 63.Болтаева Шахноза – 9-15 асрларда ижтимоий ғояларнинг ривожланиши [диссертация]

ИЛМИЙ ҲИКОЯЛАР

64. Нуриддин Агтор – Ал Имом ат Термизий, 21-22 бетлар

65. Исажон Султон – “Тилсим лашкари ёхуд муқанна “[ҳикоя]